

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ФАРГОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ҚУРИЛИШ ФАКУЛЬТЕТИ

“Бино ва иншоотлар қурилиши, геодезия, картография ва кадастр”  
КАФЕДРАСИ

“ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ”

“БИҚГКК” кафедраси мудири

доц. С. Турсунов  
“ ” 2018 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИНГ  
ҳисоблаш-тушунтириш хати

Битирув малакавий ишининг мавзуси:Иншоотлар деформациясини моделлаштириши ва оптималлаштириши үсали билан аниқлашга доир геодезик ишлар (Кўшигина туманидаги 10-сонли мактаб мисолида)

Битирув-малакавий иши таркиби:

Ҳисоблаш-тушунтириш хати: \_\_\_\_\_ бет. Чизма-график қисми: \_\_\_\_\_ вароқда тайёрланган.

Битирувчи:

15-14 ГКК гурух  
талабаси *Ибайдиллаев*

Рахбар:

*M. Абдукадирова*

Тақризчи:

\_\_\_\_\_.

Битирув-малакавий иши 2018 йил \_\_\_\_\_ июн куни дастлабки ҳимоядан ўтган.  
“БИҚГКК” кафедрасининг 2018 йил \_\_\_\_\_ июн кунги (№ \_\_\_\_\_ сонли мажслис баёни)  
йигилиш қарорига асосан ҳимояга рухсат берилган.

Маслаҳатчилар:

Назарий қисм бўйича:

\_\_\_\_\_.

Табиий, ижтимоий -иктисодий шароитлар  
таҳдиди бўйича:

\_\_\_\_\_.

Лойиҳани тузиш хамда уни иктиносидий ва  
экологик асослаш, қисми бўйича:

\_\_\_\_\_.

Хорижий инвестиция қисми бўйича

\_\_\_\_\_.

Ҳаётий фаолият ҳавфсизлиги қисми бўйича:

\_\_\_\_\_.

Фарғона – 2018



**ФАРГОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ  
ҚУРИЛИШ ФАКУЛТЕТИ**

**“Бино ва иншоотлар қурилиши, геодезия, картография ва кадастр”**

**K A F E D R A C I**

**ТАСДИҚЛАЙМАН  
«БИҚГКК» кафедраси мудири**

доц. С.Турсунов

“\_\_\_” 2018йил

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИ БАЖАРИШ БҮЙИЧА  
ТОПШИРИК**

15-14 Геодезия картография ва кадастр гурӯҳ талабаси: **Ибайдиллаев Баҳромжон**

**Бахтиёржон ўғли**

1. Битирув ишининг мавзуси: *Иншоотлар деформациясини моделла-штириши ва оптималлаштириши усули билан аниқлашга доир геодезик ишлар (Кўштепа туманидаги 10-сонли мактаб мисолида)*

Битирув малакавий иши (БМИ) мавзуси институт ректорининг “12” декабр 2017 йил даги №185 СТ/С сонли буйруғи билан тасдиқланган.

2. Тайёрланган БМИ ни топшириш муддати “\_\_\_” июнь 201\_\_\_ йил

3. Битирув малакавий ишни бажариш учун дастлабки кўрсаткич ва маълумотлар: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.05.2017 йил кунги ПҚ-3024 сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини янада таомиллаштириши чора-тадбирлари тўгрисидаги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тартиби тўгрисидаги 1997 йил 2 июндаги 278-сон қарори ва низом умумий қоидалар.

4.1. Кириш:

4.2. Назарий қисм.

4.3. Табиий, ижтимоий -иқтисодий шароитлар таҳлили.

4.4. Лойиҳани тузиш хамда уни иқтисодий ва экологик асослаш қисми

4.5. Хорижий инвестиция қисми

4.6. Ҳаётий фаолият хавфсизлиги қисми

4.7. Холоса.

4.8. Фойдаланган адабиётлар.

5. Чизма-график материалларнинг рўйхати (*Чизма номлари аниқ кўрсатилиши шарт*):

5.1. Кўштепа туманинг худудларга бўлиниш картаси, масштаб 1: 50000

5.2. 10-сонли мактаб бош режаси 1:1000

5.3. 10-сонли мактаб биносини оғишини геодезик кузатиш режаси, масштаб 1:500

5.4. Бажарилган топографик геодезик ишлар учун семета жадвали

6. Битируг малақавий иши қисмлари бўйича маслаҳатчилардан топшириқ олиш:

T/p	Қисмлар номи	Бошланиш муддати	Тугалланиш муддати	Имзо	Маслаҳатчи (Ф.И.Ш)
1	Кириш қисм	23.01.18. й.	13.02.18. й.		
2	Назарий қисм	16.02.18. й	12.03.18. й.		
3	Табиий, ижтимоий - иқтисодий шароитлар таҳлили	15.03.18. й.	22.04.18. й.		
4	Лойиҳани тузиш хамда уни иқтисодий ва экологик асослаш, хорижий инвестиция қисми	18.04.18. й	6.05.18. й.		
5	Хаётий фаолият хавфсизлиги қисми	21.04.18.й.	28.05.18.й.		
6	Хулоса	11.05.18. й.	31.05.18. й.		
7	Фойдаланилган адабиётлар рўйихати	30.05.18. й.	1.06.18. й.		
8	Иловалар				

7. Топшириқ берилган сана: “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил

8. Раҳбар: \_\_\_\_\_ М.Абдуқадирова “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил  
 (имзо) (Ф.И.Ш)

9. Топширикни бажариш учун қабул қилдим: Б.Ибайдиллаев “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 20\_\_  
 йил  
 (талағани имзоси )

ТАСДИҚЛАЙМАН  
«БИҚГКК» кафедраси мудири

доц. С.Турсунов  
“ ” 2018 иил

**Битирув малакавий ишини бажариш бүйича  
ТАҚВИМ РЕЖА**

Т/ р	Битирув малакавий ишини бажарилиш тартиби	Бажарилиш муддати		Изоҳ
		режада	амалда	
<b>Хисоблаш – тушунтириш хатини тайёрлаш</b>				
1	Кириш қисм	23.01.18. й.		
2	Назарий қисм	16.02.18. й		
3	Табиий, ижтимоий -иктисодий шароитлар таҳлили	15.03.18. й.		
4	Лойихани тузиш хамда уни иктиносий ва экологик асослаш, қисми Хорижий инвестиция қисми	18.04.18. й		
5	Ҳаётий фаолият хавфизлиги қисми	21.04.18. й.		
6	Хулоса	11.05.18. й.		
7	Фойдаланилган адабиётлар рўйихати	30.05.18. й.		
8	Иловалар	1.06.18. й.		
<b>Чизма-график материаллари рўйхати</b>				
11	Қўштепа туманинг худудларга бўлинниш картаси, масштаб 1: 50000	10.05-25.05		
12	10-сонли мактаб бош режаси 1:1000	10.05-25.05		
13	10-сонли мактаб бтиносини офишини геодезик кузатиш режаси, масштаб 1:500	10.05-25.05		
14	Бажарилган топографик геодезик ишлар учун семета жадвали	26.05-02.06		
<b>БМИ ни расмийлаштириш</b>				
15	Тегишли ҳужжатларни тайёрлаш ва БМИ ни муқовалаш.			
16	Дастлабки химоя			
18	Расмий химоя			

Талаба:

\_\_\_\_\_

Б.Ибайдиллаев

(имзоси)

Раҳбар:

\_\_\_\_\_

М.Абдукадирова

(имзоси)

## **М У Н Д А Р И Ж А**

<b>1</b>	<b>Кириш</b>	
<b>2</b>	<b>Назарий қисм</b>	
<b>3</b>	<b>Табиий, ижтимоий- иқтисодий шароитлар таҳлили</b>	
<b>4</b>	<b>Лойиҳани тузиш ҳамда уни иқтисодий ва экологик асослаш.</b>	
<b>5</b>	<b>Хорижий инвестиция қисми</b>	
<b>6</b>	<b>Ҳаётий фаолият ҳавфсизлиги</b>	
<b>7</b>	<b>Хулоса.</b>	
<b>8</b>	<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйихати</b>	
<b>9</b>	<b>Иловалар.</b>	

## КИРИШ

**Республикамиз иктисодиётининг тубдан интенсив ривожланиш йўлига бурилиши барча соҳа ва тармокларда илмий техника тараккиётининг жадал тадбик этилиши, ягона иктисодий организм сифатида агросаноат мажмуасининг фаолият кўрсатиши, ердан фойдаланишда янги устувор йўналишларни тадбик этишини талаб этади.**

**Биринчи Президентмиз И.А.Каримов “Жаҳон молиявий иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари” асарида куйидагиларни таъкидлаб утган: инкиroz - кутилмаган даражада жамиятнинг барча жабхаларига зарар келтирадиган ва янгича фаолият юритишга ундайдиган сиёсий, ижтимоий, иктисодий воеълийлардар.**

**Ўзбекистоннинг халкаро иктисодий майдондаги нуфӯзи ва мавкеи сезиларли даражада ва мумтазам ошиб бормокда. Бунда мамлакатимиз Биринчи раҳбари Ислом Каримов томонидан ижтимоий - иктисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иктисодий ислохатлар мақсади ва вазифалари, амалга ошириш йўлларининг аниқ ва тўғри кўрсатиб берилганлиги бош мақсад йўлидаги ютуқ ва марраларнинг салмокли бўлишига имконият яратди.**

**Хозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий - иктисодий тараккиёти ўзининг маъно - мазмуни жихатидан олинги босқичлардан кескин фарқ килдаи. Бунда энг асосий ва мухим жихат - миллий иктисодиётларнинг тобора интеграциялашуви ва глабаллашувининг кучайиб боришидир. Айни пайтда бу жараёнлар халкаро майдондаги рақобатнинг ҳам кескинлашуvigа, хар бир мамлакатнинг халкаро меҳнат таксимотидаги уз мавкеини мустахкамлаш учун кўрашининг кучайишига ҳам таъсир кўрсатади.**

**Бирок, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки жаҳон иктисодиётига интеграциялашув ва глабаллашувининг ижобий томонлари билан бир**

**қаторда маълум зиддиятли жихатлари ҳам мавжуд. Жумладан, турли мамлакатлардаги иктиносий ривожланишнинг бир текисда бормаслиги, дунё мамлакатлари ўртасида ижтимоий-иктиносий ривожланиш жихатидан тафовуднинг экологик таҳдидларининг кучайиб бориши, турли мамлакатларда ахоли сони ўзгаришининг кескин фарқланиши каби холатлар жаҳон хўжалигининг яхлит тизим сифатида баркарор ривожланишига тўсқинлик килади.**

**Шунингдек, яна бир хусусиятли жихати- жаҳоннинг бир мамлакатида руй берадиган ижтимоий-иктиносий ларзаларнинг мукаррар равшда бошка мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши ҳисобланади. Жаҳон ҳамжамияти бугунги кунда бошидан кечираётган молиявий инкиroz ҳам айни шу маънода глобаллашув жараёнларининг салбий оқибати сифатида намоён бўлади.**

**Шунга кўра, биз мамлакатимиз иҷтимоий-иктиносий ривожланишининг жорий ва истиқболдаги чора-табдирланини белгилашда жаҳон молиявий инкирози оқибатларининг таъсирини хар томонлама ҳисобгаолишимиз иктиносий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуқтаи назаридан шакллантиришимиз ва уларни изчил амалга оширишимиз такозо этилади.**

**Бу борадаги чора-тадбирлар Биринчи Президентимиз И.Каримовнинг “Жаҳон молиявий иктиносий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарларида кенг ва батафсил баён қилиб берилган. Асарда жаҳон молиявий иктиносий инкирозининг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш шакллари, келиб чикиш сабаблари, унинг Ўзбекистон иктиносидиётига таъсири, мазкур инкирози оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос булган омиллар баён қилиб берилган.**

**Иrrигация тизимидағи сув микдорини тўғри ҳисобга олинишига унинг соз-носозлиги, чукиндиларлан холи бўлиши, фойдали иш коиффицентининг микдори ва бошкаларга bogлик.**

**Республикада охирги йилларда қабул килинган "Ўзбекистон Республикаси ер кодекси", "Давлат ер кадастри тўғрисида", "Фермер хўжалиги тўғрисида" конунлар кишлок хўжалигига агравислохотларни янада чукурлаштириш ер ресурсларидан самарали фодаланиш ҳамда ҳисобга олиш ва назорат қилишига каратилган бўлиб, улар асосида ер кадастри ишлари олиб борилади.**

**Айтиш жоизки давлат ер кадастрини тизимли ва замон талабига мос юритиш деб катта ер майдонларда аэрофотосъёмка, ҳамда, топографик-геодезик ишларни янги замонавий асбоблар ва технологиялар асосида олиб бориш, кадастр ерларни микдордан ва сифатдан баҳолаш, ер кадастри маълумотларни кундалик жойда ўрганиш, съёмка қилиш ва тўлдириб туришини тушинилади.**

**Давлат ер кадастрини юритиш мақсадида бажариладиган топографик-геодезик ишларнинг асосий вазифаларидан бири, уларни план ва карталар кўринишида топографик асос билан таъминлаш ҳисобланади.**

**Ер кадастри ишларни мазмунли ва сифатли олиб бориши топографик план ва картларнинг батафсиллиги, туликлиги ва аниқлигига ўз талабларини қўяди ва ушбу сифат кўрсатгичлари ўз навбатида кадастр съёмка геодезик асосини белгилайди ва шунга караб съёмка усуллари танланади.**

**Ирригация тизимидағи сув микдорини тўғри ҳисобга олинишига унинг соз-носозлиги, чукиндиларлан холи бўлиши, фойдали иш коиффицентининг микдори ва бошкаларга boglik.**

**Умуман олинганда, тўзилган кадастр план, карталар мутахассислар, ердан фойдаланувчиларнинг бугунги қундаги талабини конквириш керак.**

**Бунинг учун план - картографик маҳсулотлар мунтазам равища замонавий геодезик асбоблар ва технологиялар оркали янгилаб, мавжудига эса, жойда содир булган ўзгаришларни юритиб тўғрилаб**

**туриши мақсадга мувофиқ Фарғона вилояти Қўштепа тумани “Ж.Жахонов” массиви худудидаги 10-сонли мактабни геодезик кузатишда JPS ни қўллаш.**

**Шубоис танлаган малакавий битирув шу мавзуси актуал бўлиб, унда давлат ер кадастри ишларини амалга оширишда топографик асос сифатида кўлланадиган план ва карталарнинг мазмуни ва аниқлиги, уларнинг геодезик асоси, давлат ер кадастрини юритш учун электрон-ркамли план, карталарни яратиш масалалари ўрин олган.**

### **НАЗАРИЙ ҚИСМ**

Бино ва иншоотлар деформацияланишини геодезик кузатишни ташкил этишнинг асосий босқичлари.

Геометрик параметрлар ва деформацияланиш жараёнларини зарурӣ кузатишни ташкил этишни 4 босқичга бўлиш мумкин:

- геометрик ва деформацияланиш параметрларини қурилиш давомида уни фойдаланишга топширилгунча геодезик кузатиш;
- фойдаланиш давомида деформацияланишни аниқлаш бўйича геодезик кузатиш;
- авария ҳолати аниқланганда деформацияланишни геодезик кузатиш;
- бино ва иншоотларни қайта тиклаш жараёнида деформацияланишни геодезик кузатиш.

Дастлабки икки босқичда геодезик кузатишларни ташкил этиш бирмунча мақсадга мувофиқ қарор саналади. Чунки авария ҳолатларида кузатиш олиб борилганида доимо дастлабки геодезик маълумотларсиз аниқлаб бўлмайдиган ва уларни қурилиш ниҳоясига етказилганидан кейинги геодезик кузатишлар натижасида олиш мумкин бўлган деформацион параметрларнинг мутлақ аҳамияти асосий масала саналади. Фойдаланишга топширилиш давомидаги геодезик кузатишлар деформацияланиш жараёнларини дастлабки босқичларда аниқлаш ва деформацияланиш жараёнларининг пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф

етиш имконини беради. Бу эса, пойдеворни мустаҳкамлаш ва бинони қайта тиклашга сарфланадиган ортиқча ҳаражатларнинг тежалишига сабаб бўлади.

Деформацияланишларни кузатиш тажрибасининг кўрсатишича, деформацияланишни кузатиш бўйича талабномалар деформацияланиш жараёнлари тезлашаётган босқичларда, яъни уларнинг таъсири пойдевор ва деворлардаги ёриқлар сифатида яққол кўринина бошлаганида тушмоқда.

Қурилиш давомидаги деформацияланиш жараёнларини геодезик кузатиш.

Қурилиш давомидаги геодезик кузатишлардан мақсад — бу қурилиш жараёнидаги ортиб борувчи босим таъсирида пайдо бўлган деформацияланиш жараёнларининг табиийлигини аниқлаш, лойиҳалаш ҳисоб-китобларининг тўғрилиги ва қурилиш ишларини олиб боришдаги технолгияларга амал қилинишини назорат қилиш, яна шунингдек, қурилиш жараёнидаги режа ва технологияларни оператив тарзда бошқариш мақсадида деформацияланиш параметрларини аниқлашдир.

Бошланғич кузатишлар Деформацияланишни кузатиш иншоотнинг пойдевор қисми тикланиши биланоқ бошланади. Такорий кузатиш бинога куйидагича нагрузка тушганда бажарилади: 25, 50, 75, 100%. Сўнгги кузатиш фойдаланишга топширишдан олдин бажарилади ва барча кузатиш натижари бўйича ҳисбот иншоотни қабул қилиб оловчи коммиция ҳужжатларига киритилган бўлиши керак. Бино ва иншоотдан фойдаланиш давомидаги деформацияланиш жараёнини геодезик кузатиш.

Бино ва иншоотдан фойдаланиш давомидаги деформацияланиш жараёнини геодезик кузатиш бу иншоотнинг техник ҳолатини баҳолаш ва деформацияланиш жараёнларини дастлабки босқичларида аниқлаш. Ишлар ернинг тури, пойдеворнинг тури, бино ва иншоотдан фойдаланиш бўйича иншоотнинг техник ҳужжатида келтирилган конструкцияга асосан аниқланади. Шу билан бирга пойдеворнинг деформацияланишини кузатиш бўйича ҳам, бино ва иншоотнинг 1- қисми бўйича ҳам барча I геодезик кузатишлар назарда тутилиши мумкин.

Үлчаш усуллари амалда мавжуд техник воситалар ва уларнинг функционал аниқликларининг тавсифи асосида бажарилади. Шу сабабдан геодезик ўлчашларнинг технологияси ва усуллари қўлланиладиган асбоблар ва ускуналарга боғлиқ бўлади. Охирги 20 йил давомида геодезик асбобшуносликда ва уларни ишлаб чиқаришда фойдаланиш борасида олам шумил ишлар қилинди. Куйида иншоотларнинг геометрик ва деформация параметрларини аниқлашда замонавий асбоблар хақида маълумотлар берилган.

Иншоотларини геометрик ва деформацион параметрларини аниқлашда фойдаланаётган геодезик асбоб ва ускуналарни классификацияси қуйидагича:

- 1) Механик турдаги асбоблар;
- 2) Оптик асбоблар;
- 3) Лазерли асбоблар;
- 4) Оптик электрон асбоблар;
- 5) Геодезик ер йўлдош тизимига кирувчи приёмниклар.

Механик турдаги асбоблар. Механик турдаги ўлчаш асбобларига рулеткалар, штанген циркуллар, соат турига кирувчи микронивелирлар. Улар ниҳоятда кичик масофаларни ўлчаш учун ишлатилади. Аниқлиги 0,1 мм дан 2 мм гача булар ёрдамида девор ёриқларининг ўлчашлари аниқланади.

Оптик асбоблар. Бу турдаги оптик асбобларга қуйидаги аниқ ва юқори аниқликдаги асбоблар киради. Улар ёрдамида бурчак ўлчов ишлари бажарилади. Ундан ташқари нивелирлар ва теодолитлар яратилган.

Геометрик параметрларни аниқлаш учун қуйидагилар ишлатилади:

- нивелирлар H05  $\div$  Н3 аниқлиги 0.5 мм/км 3 мм/км мос равища;
- теодолитлар T1  $\div$  T5 бурчак ўлчов аниқлиги 1"  $\div$  5".

Лазерли асбоблар. Бу соҳага кирувчи асосий асбоб электрон рулеткадир. Бундай рулеткалар хорижий давлатларнинг фирмаларида (Германия, Швейцария) ишлаб чиқарилади. Куйидаги жадвалда уларнинг асосий тавсифлари келтирилган. Электрон рулетка DISTO ("Leica", Швейцария).

Ўлчаш масофалари	2 – 30 м	Кундузи жорий текисликгача
------------------	----------	----------------------------

	20 – 100 м	Нормал шароитда маxсус нур қайтаргичгача
Үлчаш аниқлиги	2 – 3 мм	
Лазер диаметри	6 мм 50 мм	10 м гача 30 м гача
Үлчаш вақти	2.5 сек дан 10 сек гача	

Бундан ташқари геометрик ва деформация параметрларини аниқлашда хар хил створ күрсаткичлар лазерли зенит асбоблар ишлатилади. Оптик электрон асбоблар (тотал станциялар).

Умумий маълумотлар. Юқорида күрсатилган асбоблар хақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун қўйилган масалаларни яъни геометрик ва деформация параметрларини аниқлаш геодезик кузатув усуллари ўзгартириш ёки уларга таъсир кўрсатиш тартибини кўриб чиқамиз. Оптик электрон асбобларнинг асосий блоклари (турлари) қуидагилардан иборат:

- 1) Механик блок;
- 2) Оптик блок;
- 3) Электрон блок:
  - үлчаш модели ;
  - хисоблаш модели;
  - интерфейс модели.

Электрон теодолитлар светодольномерлар. Бу турдаги асбобларни кўриб чиқмаймиз. Чунки буларни бирлашган тарзда тахеометрлар кашф қилинган.

Электрон тахеометр станциялар (ЭТС) хорижий фирмаларда кўплаб чиқарилмоқда. Хар бир фирма ўзи кодификация тизимиға эга. Одатда маълум аниқлик диапазонига боғлиқ З класс асбоблари чиқарилади. Хар бир класс асбоблари берилган аниқликда шу диапазони талабларига тўғри келадиган, автоматизация талабларига мос равишда чиқарилади. Одатда аниқлик диапазони бир – бири маълум равишда қоплаган холатда энг мақбул усулларда

чиқарилади. Тахеометрик станцияларнинг асосий тавсифи шундан иборатки улар маҳсус дастурга эга.

Электрон (рақамли) нивелирлар. Рақамли нивелирлар оптик нивелирлар ўрнига келади ва қуидагича бир қатор муҳим устунликларга эга:

- рейка бўйича саноқ ҳисобланишининг автоматлаштирилиши;
- тўплагичга ёзиб бориш;
- ўлчов аниқлигининг ошиши;
- ўлчовни қайта ишлашнинг автоматлаштирилиши.

Рақамли нивелирларни техник характеристикаларига қараб қуидагича бўлиб чиқиш мумкин:

Функциясига қараб:

- нивелир тахеометрик (ерни узоқдан туриб планга олиш) станциялар;
- нивелирлар. Аниқлилик даражасига қараб:
  - аниқ ишлайдиган, 0.7 мм/км силжувчи;
  - юқори аниқликда ишлайдиган, 0.3 мм/км силжувчи. Маълумот йиғиб бориш турига қараб:

- ички хотира;

- сиртқи хотира.

Дастурий таъминот билан таъминлаш учун қуидаги амалларни бажариш зарур:

Синов ишлари:

I бурчакни аниқлаш. Нивелирлаш ишлари:

рейка бўйича алоҳида ўлчашни аниқлаштириш;

алоҳида оралиқ масофани аниқлаштириш;

нивелир силжиш;

якка нивелир силжишни бараварлаштириш.

Тахеометрик вазифалар:

бурчак йўналишларини ўлчаш;

орттирма координатларни аниқлаштириш.

Назорат амаллари:

рейка бўйича ўлчашнининг аниқлик назорати;  
визир нурларнинг ер сатҳидан баландлигининг назорати;  
станциядаги ошиб кетишларни назорати;  
станциядаги ва секциялардаги елка фарқларининг назорати.

Глобал навигацион йўлдош тизимли геодезик приёмниклар — ГСП

Мутлақо янги туркумдаги геодезик асбоблар глобал навигацион йўлдош тизимли геодезик приёмниклар, яъни ГСПлар саналишади. Бу туркумдаги асбоблар Ер юзидаги ва унга яқин ҳудуддаги нуқталар координатларини тўғридан-тўғри аниқлашда ишлатишга мўлжалланган. Ноҳарбий фойдаланувчилар томонидан мутлақ координатларни навигацион услубда белгилашда аниқлаш даражаси 30-100 м гача баҳоланади. Ҳарбий тизимга эга фойдаланувчилар эса, мутлақ координатларни 1 м гача аниқликда аниқлаш имкониятига эгалар. Кераклича аниқликни олиш учун геодезик мақсадларда маҳсус приёмниклар ва ўлчаш услубларидан фойдаланилади. Геодезияда йўлдошгача бўлган масофани фазали услубда аниқлайдиган икки ёки ундан ортиқ приёмникларни синхрон тарзда кузатишга асосланган даражали (дифференциальный) услуб ишлатилади. Бу ўзгаришлар натижаларига қараб жойлар оралиғидаги координатни узатишни бажарувчи пунктлар ўртасидаги макон векторлари ҳисобланади. Макон векторларининг аниқлик даражасини аниқлашда 10 дан 20 км гача асосда  $5+(1-2)$  мм/км гача аниқликда баҳоланади. Шунинг учун ҳам ГСП 3 дан 20 км гача масофаларни ўлчашда бирмунча аниқ ишлайдиган асбоб ҳисобланади.

ГСПнинг қўлланиладиган доираси давлатлар геодезик синф тармоғини тузишдан тортиб топографик ўлчашни бажаришгача бўлган деярли барча геодезик ишлар кўламини ўз ичига қамраб олади.

ГСП қўйидаги техник қўрсаткичларни тавсифлайди:

Қабул қилинаётган частоталар миқдори:

- яккачастотали;
- жуфтчастотали (ионосферик тузатишларни қўлланиш имконияти сабабли бирмунча аниқ ҳисобланади).

Йўлдошдан сигналларни қабул қилиш каналларининг сони:

- ягона частотада сигналларни қабул қилиш учун 12 тагача каналдан максимал даражада фойдаланилади. Бу эса, бир вақтнинг ўзида 12 та йўлдошдан сигналлар қабул қилиш имкониятни беради. Умумий каналлар сони частоталар сони ёки фойдаланиувчи йўлдош тизимлари сонига мос равища тенг тақсимланади. Мисол учун, 12 каналли приёмник одатда яккачастотали бўлади. 24 каналли эса 2 частотали бўлиши мумкин ёки ОРЗ ва ГЛОНАСС тизимларидан биттадан частота орқали қабул қиласди;
- каналлар сигналлар қабул қилиш учун ишлатилади.

Фойдаланиувчи глобал навигацион йўлдош тизимлари:

- ОРЗ (АҚШ).
- ГЛОНАСС (Россия).

Ўлчаш усуллари:

- кейинчалик қайта ишлаш режими;
- статик усул;
- турғун;
- тезкор турғун;
- реоккупация (Кеоссирайоп);
- кинематик усул;
- классик кинематика;
- тўхтаб-тўхтаб ишловчи кинематика;
- радиомодем орқали реал вақт режими;
- реал вақтдаги кинематика.

Иншоотнинг оғиши ва эгилишларини ўлчаш усуллари.

Бино ва иншоотларнинг оғиши ҳамда вертикаллигини аниқлашдаги энг содда усуллар вертикал ва ёnlама проекциялаш ҳисобланади. Бироқ, улардан фақат унча катта бўлмаган иншоотларда қўлланиш мумкин, шунда ҳам ҳар доим эмас. Сабаби — қурилиш майдонидаги ва иморат худудига шароит асбобларни керакли жойга ўрнатишга имкон бермаслиги мумкин.

Бирмунча универсал усул — бу координат усули ва кичик бурчаклар усули бўлиб, унда бурчак кертиклари намоён этадиган ўлчаш ва уларни қайта ишлашдаги турли хил чизмалардан фойдаланиш мумкин. Ҳар иккала усулда ҳам веторнинг оғиш умумлашмаси тўлиқ аниқланади. Энг қулайи эса, ўлчашлар нисбатан кам бажариладиган ва қайта ишлаш натижалари бирмунча оддий саналган кичик бурчаклар усулидир.

Махсус яssi белгилар ёки ОК тизимини замонавий электрон тахеометрлар биргалиқда ишлатиш вертикаллик ва оғишларни битта станция ёрдамида қутбий усулда аниқлаш ва натижаларни дала шароитида олиш имконини беради.

Бино ва иншоотлар қисмларининг ўзаро силжиши ва ёрилишларини ўлчаш усуллари. Бино қисмларининг ўзаро кўчишини аниқлаш усуллари конструкцияда ёриқлар ёки ўзаро яқин боғланмаган элементлар пайдо бўлганида бино қисмларининг чизиқли деформацияланиш параметрларини аниқлашда ишлатилади. Маркалар орасидаги масофа катта бўлмаган ҳолатларда оддий чизиқли ўлчашлар линейка ёки рулетка ёрамида баражарилади. Масофа нисбатан катта бўлганда эса, 100 м дан ортиқ масофаларни қайтаргич ёрдамисиз 2 мм гача аниқликда ўлчаш имконини берадиган электрон рулеткалардан фойдаланиш тавсия этилади. Конструкциядаги мураккаб элементлар ўртасидаги ўзаро силжишларни аниқлаш зарур бўлганида турли хил махсус геодезик қурилмаларни барпо этиш зарур.

Деформацияланган параметрларни аниқлашда ишлатиладиган замонавий асбоблар ва комплекс усуллар.

Олдинги бўлимлардан кўриниб турибдики, замонавий асбоблар — рақамли нивелирлар, тахеометрик станциялардан фойдаланиш одатий геодезик асбоблар билан солиширганда анча устунлик беради. Бу усунликларни яна бир бор санаб ўтамиз:

- меҳнат унумдорлигининг ошиши;
- ўлчашларнинг юқори аниқликда бўлиши;

- оператив маълумотларни дала шароитида тўғридан-тўғри олиш имконияти;

- ўлчашлар ва уларнинг натижаларини қайта ишлашни автоматлаштириш имконияти.

Олдинги бўлимларда алоҳида деформацияланган параметрларни аниқлаш усуллари кўриб чиқилди. Деформацияланган параметрларни комплекс тарзда аниқлашда замонавий абоблар бирмунча усутунликларни беради. Деярли барча деформацияланган параметрларни юқори аниқликдаги чизиқли-бурчакли қурилмалар ва геометрик нивелирлаш билан аниқлаш мумкин.

Катта кўламдаги обьектларда GPS (АҚШ) ва ГЛОНАСС (Россия) каби йўлдош навигацияли тизимга эга геодезик қабул қилгичлардан фойдаланиш мумкин. Ўлчашларни 5 мм + 1 мм/км аниқликда бажариш орқали улар меҳнат унумдорлигини бирмунча ошириш имконини беради.

Истиқболи порлок усулларга фотограмметрик усулни киритиш мумкин. Бунинг учун маҳсус метрик фотокамералар ёки рақамли сканерлайдиган камералардан фойдаланилади. Узоқ вакт давомида фотограмметрик усулдан фойдаланишга фотограмметрик ускунларни қайта ишлашнинг таннархи баландлиги тўсқинлик қилиб келди. Ҳозирги кунда компьютерда қайта ишланган суратларни чоп этишни маҳсус дастурий жамланма ёрдамида амалга ошириш имкони мавжуд.

Геодезик ишларни яратиш.

Бошланғич геодезик асослари яратиш.

Бошланғич геодезик асослар пунктларини жойлаштириш.

Бошланғич геодезик асос макон координатлари ташувчиси функциясини ўтаб бериб, унга асосан деформацияланиш параметрлари аниқланади.

Бошланғич геодезик пунктлар баландли, режали ва режали-баландли қисмларга бўлинади. Бошланғич геодезик асослар пунктларининг конструкция ва қурилмаларини ўрнатиш бўйича талаб ва тавсиялар норматив хужжатлар ва қўлланмаларда берилган. Бу талабларнинг асосини бошланғич

геодезик пунктлар конструкция ва марказларининг жойлашиши улар мавжуд бўладиган бутун давр мобайнида барқарор бўлишини гарантиялаш ташкил этади. Юқорида таъкидланганларидан келиб чиқиб, қуйида пунктларни жойлаштириш бўйича асосий талабларни келтириб ўтамиз:

- бошланғич асоснинг пункт ва репералари деформацияланиш жараёнлари худудидан ташқарида жойлашган бўлиши лозим;
- ер ва чуқурликдаги репераларни лойиҳалашда конструкция ва чуқурлик жойлашмалари геологик ва гидрогеологик маълумотларга асосланиб аниқланади;
- девор белгилари ва пунктлари жойлашиши лойиҳалаштириладиган бино мустаҳкам бўлиши лозим;
- бир бинода биттадан ортиқ репера ёки пунктни жойлаштиришга йўл кўйилмайди.

Ўрганилаётган иншоотдан бошланғич пункт узоқ масофада жойлашган ҳолатларда бошланғич пунктлардан деформацияланиш белгиларигача координат ва қайдларни узатиб берадиган восита вазифасини бажарувчи ёрдамчи пунктларни барпо этишга йўл кўйилади. Бундай пунктларни жойлашувидағи талаблар бирмунча юмшоқ бўлиб, бутун кузатиш жараёнида барқарор ҳолат сақланиб туриш шарти билан уларни деформацияланган худудларга жойлаштирилишига рухсат этилади.

Бошланғич пунктларнинг дастлабки жойлашувига қараб геодезик ўлчаш ва уларнинг мустаҳкамлигини аниқлаш. Белгиланган вазифасидан, унинг ҳажмидан, аниқлигидан келиб чиқиб бошланғич геодезик асослар пунктларининг жойлашишини аниқлаш учун турли хилдаги геодезик курилмалардан фойдаланилади.

Бошланғич репераларнинг вертикал кўчишини юқорианиқлиқда аниқлаш учун геометрик нивелирлашдан фойдаланилади.

Режали ва режали-баландликли аниқлашларда бурчакли, чизиқли ёки чизиқли-бурчакли тармоқларни барпо этиш мумкин. 1-2 мм гача аниқлиқда ўлчаш имконини берадиган тахеометрлар бўлганида фақат трилатерациялар

тармоғини барпо этиш бирмунча мақсадга мувофиқ саналади. Сабаби — катта ҳажмга эга иншоотларда тонгти ва кечки пайтлардаги кўринишнинг қийинлаши шароитида бурчакли ўлчашларни олиб бориш анча мушкул.

Тўғон ва конлар каби катта ҳажмга эга ва катта масофаларга чўзилиб кетган иншоотларда бошланғич пунктларнинг жошлашувини аниқлашда ўйлдошли геодезик қабул қилгичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Шунда ҳам қурилмалар схемаси ўзаро туташган фигуранлар ҳосил қилувчи боғланмалардан ташкил топган бўлиши лозим. Барча турдаги геодезик қурилмалардан файланилганида ишлатиладиган асбоб-жиҳозлар, ўлчаш усуллари деформацияланиш параметрларининг қанчалик тўғри аниқланиш талабларидан келиб чиқиб белгиланади. Бошланғич геодезик асослар пунктларининг жойлашувини белгилашдаги аниқлик деформацияланиш параметрларини белгилашда талаб этиладиган аниқликдан икки марта юқори бўлиши лозим.

Бино лойиҳаланган участкада бинонинг ўқларини режалаш ва ўрнатиладиган конструкцияларнинг лойиҳа вазиятини аниқлаш билан боғлиқ ишлар геодезик ишлар деб аталади. Бу ишлар рулеткалар, оптик проексиялаш асбоблари теодолитлар ва нивелирлар воситасида бажарилади.

Теодолит (1-расм, а). Жойда горизонтал ва вертикал бурчакларни ҳамда ипли далномер ёрдамида масофаларни ўлчаш учун мўлжалланган геодезик асбобга теодолит деб аталади.

Теодолит штативга ўрнатилади, вертикал ўқи тик ҳолатга келтирилади. Бунда унинг горизонтал доираси (лимби) ётиқ вазиятни эгаллайди. Теодолитнинг қараш трубаси кузатиш нуктасига йўналтирилади. Йўналиш бурчаги ҳисоблаш мосламаси ёрдамида горизонтал доира бўйича, қиялик бурчаги эса вертикал доира бўйича ҳисоблаб топилади.


Нивелир (1-расм, б) оптик асбоб бўлиб, жойда лойиҳавий белгиларни (баландликлари)ни аниқлаш мақсадида фойдаланилади. Бу асбоб нивелирлаш рейкалари билан бирга ишлатилади.

Бинонинг айрим нуқталари паст-баландлигини, нисбий баландлигини асбоблар ёрдамида ўлчаб ва ҳисоблаб аниқлаш нивелирлаш деб аталади.

Нуқталарнинг Болтиқ денгизи сатҳига нисбатан метрда ифодаланган баландлигига абсолют белгилар дейилади.

Иншоот нуқталарининг биринчи қаватининг тайёр пол сатҳига нисбатан миллиметрларда ифодаланган баландлиги шартли лойиҳавий белгилар деб юртилади.

Нивелирлаш рейкалари. Бир ёки икки томони сантиметрларга бўлинган ва десиметрлар қиймати ёзилган ёғоч тахта нивелирлаш рейкалари деган ном билан юритилади. Трубанинг кўриш доирасида тасвири тўғри ўқиш учун рейкаларда рақамлар тескари холда тасвиранади.



1-расм. Геодезия асбоблари: а – теодолит; б – нивелир; в – кора бўёқда сантиметрларга бўлинган нивелир линейкаси; г – қизил бўёқда сантиметрларга бўлинган нивелир линейкаси (линейканинг орқа томони); г – ростлаш (қўтарувчи) винтлари; г – таглик; 3 –

2-расм. Нивелир қараш трубасининг окулярида рейканинг кўриниши (санок 1155):  
 1 – нивелир рейкаси; 2 – нивелир окуляри; 3 – қараш трубасининг назорат доираси; 4 – нивелир окулярида рейканинг кўриниши;

горизонтал доира; 4 – окулярлы қараш трубаси; 5 – вертикал доира; 6 – асбобнинг горизонтал текисликда бурилишини созлайдиган винтлар; 7 – фокусни ростлайдиган ҳалқа	а – окуляр тўрининг ўрта горизонтал чизиги
--	--

Рейкадаги бўлимлар 100 мм га teng ва ҳар беш бўлим (хисоблаш қулай бўлиши учун) Е ҳарфи қўринишида группаларга бирлаштирилган.

Нивелирнинг визирлаш нури горизонтал йўналган бўлиб, рейка бўйича саноқлар шу йўналишда олинади. Рейка бўйича саноқ олиш деганда, рейка ўрнатилган текисликдан то нивелирнинг марказий визир ўқи сатҳигача бўлган баландликни аниқлаш тушунилади.

Тўрнинг марказий горизонтал чизиги бўйича саноқ олинади (2-расм). Трубанинг кўриш доирасида саноқлар юқоридан пастга томон ортиб боради. Аввал десиметрлар сўнгра сантиметрлар ва бўлинмаларнинг ўнли улушлари (мм), (тўрнинг ўрта чизигигача) саналади.

Бинони режалаш ва режа ўқларни белгилаб қўйиш. Обект қуриш иши бинонинг асосий ўқларини аниқлаш ҳамда бинони режалашдан бошланади. Бу ишларни бажарганда геодезик тўрдан ва баландлик реперларидан фойдаланилади.

Бир-бирини тўғри бурчак остида кесиб ўтган икки чизик бош ўқлар деб аталади ва бинонинг жойдаги вазиятини белгилайди. Пландаги қўриниши мураккаб бўлган биноларни қуришда ана шу ўқлар белгиланади. Кўпинча бинонинг контури бўйича ва деформасия чоклари тушадиган жойлардан ўтадиган асосий ўқлар белгиланади.


Бинонинг асосий ўқларини белгилаш (8-расм, а). Бино тушадиган жойларда чизик ва бурчакларни изчиллик билан белгилаб чиқиш ишларини ўз ичига олади. Дастрлаб В–В ўқ (бинонинг узун томонида) чизилади; бунинг учун таянч геодезия тўри пунктларидан 1/В ва 5/В нуқталар чиқарилади. 1/В–5/В чизик ўлчанади; бу чизикнинг узунлиги бинонинг ҳақиқий узунлигига teng бўлиши лозим. В–В ўқнинг учларига пўлат қозиклар қоқилади.

1/В нүқта устига теодолит ўрнатилади, 900 ли бурчак ўлчанади ва 1–1 ўқнинг вазияти белгиланади. 1/В нүқтадан лойиха чизик тортилади ва 1/A нүқта ўрни белгиланади.

Асосий ўқларнинг йўналишлари доимий ёки муваққат геодезик белгилар билан кўрсатилади; ва бино тайёр бўлгунча, бу белгилар бузилмайди. Ўқларнинг ўрнини белгилаш мақсадида бўёқлардан фойдаланилади. Бунинг учун доимий ёки муваққат биноларнинг конструкцияларига учмайдиган бўёқда белги чизиқчалари чизилади.

Бинонинг режасини тузиш ва асосий ўқларни белгилаш ишлари иншоот атрофини ғов билан куршаб олиб тўсиш (обноска қуриш) билан тугалланади (3-расм). Обноска ерга кўмилган қозиклар, устунчалар ва уларга кўндаланг қоқилган тахталардан иборат. Тахталарнинг юқориги чети нивелир бўйича ўрнатилади. Обноска одатда бино контурига нисбатан параллел ўрнатилади.

У металл трубалардан иборат обноска бўлиши ҳам мумкин.



3-расм. Бино ўқларини режалаш ва тўсиш (обноска) схемалари:

- а – режа ўқларни бегилаш; б – тўсиш деталлари; 1 – створ нүқталар;
- 2 – устунчалар; 3 – горизонтал тахталар; 4 – режа ўқлари ўрнини

кўрсатувчи сим; 1/А 1/В; 5/А 5/В – бинонинг бўйлама ва қўндаланг ўқларининг кесишиш нуқталари

## ТАБИЙ, ИЖТИМОИЙ – ИҚТИСОДИЙ ШАРОИТЛАР ТАҲЛИЛИ

Битирув малакавий иши обьекти хисобланган Кўштепа тумани вилоятининг ғарбий қисмида жойлашган, бўлиб туман маркази Лангар шахарчаси ҳисобланади. Фарғона шаҳри маркази билан Фарғона -Кўштепа авто магистрал автомобил йўли билан боғланади. Лангар шахарчасидан

Фарғона шаҳрига 17 км ни ташкил этади. Аҳолиси 198,3 минг киши. Туман аҳолисини меҳнат ресурслари ва аҳолининг иш билан бандлиги шу кунга келиб қўйидагича статистик маълумотларга эга 101.9 минг кишини ташкил этади иқтисодиётда банд бўлганлар сони 98.8 минг, шундан иқтисодий фаол аҳоли сони 97 минг кишини ташкил қилмоқда.

Лангар шахарчасида туман хокимиятининг биноси давлат ва маъмурий ташкилотлар, 4 та маъданият уйи, 1 та кинотеатр, 1та истироҳат боғи, марказий шифохона, 2 та поликленика, тиббий муассасалар, кўплаб савдо ва майший хизмат қўрсатиш шоҳобчалари фаолият олиб борадилар. Фойдали қазилмалардан нефть, шил қум, соз тупроқ ва шағал мавжуд.

Туман аҳоиси асосан ўзбеклар бўлиб шунингдек рус татар корейс, тоҷик ва қирғиз миллат вакиллари ҳам истиқомат қиласди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км га 328.1 киши Кўштепа шаҳарчасида жами 37.2 минг кишини ташкил қиласди.

Туманда жами 364 та фермер ва дехқон-фермер хўжаликлар мавжуд бўлиб улар қўйидаги йўналишлар бўйича фаолият олиб борадилар жумладан: 187 та пахта-ғаллачилик, 135 та боғдорчилик, 17 та чорвачилик, 8 та сабзавотчилик, 10 та тутчилик, 2 та баликчилик, 2 та ғаллачилик, 1 та теракчилик, 1 та паррандачилик ва 1та бошқа тоифадаги корхонларига бўлинади.

Тумандаги ташкил этилган фермер хўжаликларни экспликация карталарини тузишда Қумтепа Қамиштепа тумандаги фаолият олиб бораётган фермер хўжаликлари мисолида тузиб чиқамиз.

Кўштепа туманинг шарқ томонида жойлашган бўлиб туманда жами 120 дан ортиқ фермер ва дехқон фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Туман ерлари, ғарб томондан Ўзбекистон туман ерлари билан, жанубдан тумнинг захира ерлари билан чегарадош.

Кўштепа туманида мавжуд фаолият кўрсатаётган фермер ва дехқон фермер хўжаликларининг ердан фойдаланувчиларнинг асосий йўналишилари куйидагилардан иборат: 16 та пахтачилик ва ғаллачилик, 56 та боғдорчилик, чорвачилик, 1 та сабзавотчилик ва 1 та паррандачиликка ихтисослашган ер эгаликлари иш олиб бормоқдалар. Фермер хўжаликларининг етакчи соҳаси пахтачилик, ғаллачилик ва боғдорчилик ҳисобланади. Кўшимча равища сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштирилади.

Бундан ташқари массивда чорвачилик соҳасида йирик шохли қорамоллар етиштириш хам ривожланган. Дехқончилик маданияти массивда сунъий сугоришга асосланганлиги учун асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланган ерлардан фойдаланиш самарадорлиги аксарият ҳолда худудни сугориш даврида сув билан қай тарзда таъминланиши билан боғлик. Шу билан бирга массивда фаолият кўрсатаётган хўжаликларга ерлардан самарали ва оқилона фойдаланишида ва унинг ривожланиш истиқболларини белгилашда жойнинг табиий хамда иқлим шароитлари хам маълум даражада ўз таъсирини кўрсатади.

Кўштепажойлашган ҳудуд иқлими кескин континентал иқлим бўлиб, асосан дехқончилик маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш учун анча қулайдир.

Фарғона вилояти гидрометеорологик станциясининг қўп йиллик статистик маълумотларига кўра бир йиллик ўртача ҳарорат +8-12 С ни ташкил қиласди. Йилнинг энг иссиқ даврида ҳавонинг ҳарорати +38 С ни, энг совук даврида эса -23 С ни ташкил қиласди. Иқлим ҳароратининг энг совуқ даври,

декбрь ойининг ўрталари ва январ ойига, энг иссиқ даври эса июл ойига түғри келади. “Солижонобод Махмуд” массивнинг совуқ кунлари сони 70-75 кунни ташкил қилади. Қишининг совуқ даври асосан ноябрнинг иккинчи ярмидан март ойининг биринчи ярмигача давом этади. Тупроқ қатламининг энг чуқур музлаши баъзида 40-50 см ни ташкил этади ва ер музлашининг бошланғич кузги даври ноябрь ойига сўнги даври эса март ойининг ўрталарига түғри келади (2-жадвал).

Туманда қишлоқ хўжалик экинларини экиш учун энг қулай муддат март ойининг охири ва апрел ойининг бошларига тўрги келади. Массив худудида йил давомида ёғингарчилик йил давомида ёғингарчилик кузатилиши мумкин ва унинг микдори 180-220 мм ни ташкил қилади (3-жадвал). Энг кўп ёғингарчилик куз ойининг октябр, ноябр ойлари, қиш ва баҳор ойларига түғри келади. Ёз ойларида ёғингарчилик кам бўлади. Сувнинг буғланиши йил давомида 2000 мм ни ташкил этади. Шунинг учун ҳам бу ерларда лалми дехқончиликни ривожлантириш учун шароит етарли .

2-жадвал.

Ҳавонинг ойлар ва йил бўйича ўртacha, максимал ва минимал ҳарорати (С).

Ҳарорат	Ойлар												Йиллик
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	
ўрт.	- 4.1	-2.9 5	4. 0	16.5 0	20. 41	23.0 41	25.8 41	23.9 40	17.6 38	9.5 32	2.4 25	- 17	27 45
мак.	15	19	29	34	41	41	41	40	38	32	25	17	45
мин.	-24	-18	13	-13	0	7	10	10	0	-10	-21	-22	-22

3-жадвал.

Ўртacha ойлик ва йиллик ёғингарчилик микдори (мм).

Метео- стан.	Ойлар												Йиллик
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	
Китоб	8	8	15	12	10	6	2	2	1	4	8	12	88

Кўштепа тумани юқори шамол эсадиган миңтақага киради. Шамолнинг бир йиллик ўртача тезлиги 8-15 м/с ни ташкил этади (4-жадвал). Шамол эсиш йўналиши асосан шимолий-шарқ томондан ва бу шамол миқдори 25 % ни, шимолдан 15% ни ва ғарбдан 60 % ни ташкил этади .

4-жадвал.

#### Шамолнинг ойлик ва йиллик ўртача тезлиги (м/сек).

Флючер баланд, м.	Ойлар												Йил- лик
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	
11	3,5	3,8	4,2	4,2	4,2	3,6	3,1	2,9	2,8	2,8	3,1	3,2	3,4

Кўштепа ҳудудида жойлашган ерларнинг рельефи асосан паст теккисликлардан аллювял ва эллювял адриклилардан иборат бўлиб, бутун массив ерлари бўйлаб тарқали кетган. Массив ҳудудининг теккислигини асосан жойда мавжуд бўлган сунъий иншоотлар, яъни суғориш каналлари, горизонтал ва вертикал суғориш тармоқлари ва дренажлардан фойдаланилган ҳолда суғориш йўлга қўйилган. Қияликнинг умумий нишаблиги 17-23 % ни ташкил этади.

Туман ҳудудидаги тупроқлар асосан типик бўз тупроқлардан иборат бўлиб геоморфология ва тупроқ-иқлимий шароитлари бўйича Шохимардон сойнинг аллювиал теккислик қисмида жойлашган. Массив ҳудудида бундан ташқари чул зонасига кирувчи ўтлоқи тупроқлар ҳам қўп миқдорда учраб туради. Бу тупроқлар ўзининг ҳар хил хусусиятларига, суғориш даврига, механик таркибига, грунт қатламига ва шўрланиш даражасига қараб тупроқ турлари ва хилларига бўлинади. Массивда ўтказилган тупроқ текширув ишлари натижаси бўйича ҳудуддаги тупроқлар 27 та тупроқ айримасига ажратилган бўлиб уларнинг тавсифи 1-иловада келтирилган.

1иловадаги маълумотлардан кўринадики, балли энг юқори 50-78 бонитет балларига 1 ва 2 тупроқ айрималари эга. Бу тупроқлар массивнинг энг унумдор тупроқлари ҳисобланади, чунки улар эскидан ва янгидан

сугориладиган, ўрта маданийлашган, кам шўрланган ўтлоқи тупроқлардан иборат. Бундай сифатли тупроқлар ҳудуднинг атиги 215 гектарини ташкил этади. Қолган тупроқлар сифати бўйича анча паст қўрсаткичга эга бўлиб, бонитет баллари 45-49 баллар атрофида. Массив тупроқлари кам даражада ювилган, гипсласишиш даражаси бўйича эса бироз гипслашган тупроқлардан иборат. Массив бўйича ўртача бонитет қўрсаткичи 60.7 баллни ташкил этади. Энг паст баҳоланган тупроқлар - бу ўрта ва кучли даражада шўрланган, янгидан сугориладаган, кам маданийлашган тупроқлардир. Қайд қилиш зарурки, массив худуди учун энг салбий омил бу – шўрланишдир. Бу ҳолат ҳудуднинг паст даражада дренаж тармоқларига эга эканлиги ва тупроқларнинг маданийлашганлик даражаси паст эканлигини қўрсатади.

Ирригация ва мелиорация тармоқлари тавсифи бўйича массив ер майдонларидан фойдаланишни яхшилаш ўз навбатида гидрогеологик шароитни ўрганиш ва сугориш шароитини ҳисобга олишни тақозо этади.


Сугориладиган минтақаларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини єтиштиришда, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ундан самарали фойдаланишда ирригация ва мелиорация тармоқларининг аҳамияти жуда катта.

Массивнинг ер фонди ва ундан фойдаланишнинг таҳлили. Республика қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири бўлиб келган пахтачилик тармоғи олдида турган вазифаларни ўз вактида, белгиланган кетма-кетликда ҳал қилинишини таъминлашга қаратилган иқтисодий ислоҳатларни давр талаби ва тармоқ хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда такомиллаштириш ва амалиётга жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади.

## ЛОЙИХАНИ ТУЗИШ ҲАМДА УНИ ИҚТИСОДИЙ ВА ЭКОЛОГИК АСОСЛАШ

Бити्रув малакавий ишда Қўштепа туманидаги 10-сонли мактабда Иншоотлар деформациясини моделлаштириш ва оптималлаштириш усули билан аниқлашга доир геодезик ишларни қўллашларни кўриб чиқамиз. Биз мактаб бино иншоотларни деформациясини бир нече геодезик усулларда аниқлаб чиқамиз. Биз бино ва иншоотларга ўрнатилган конструксияларнинг лойиҳада кўрсатилган вазиятга мослигини оптик квант генераторлар ёрдамида текшириш мумкин. Йўналтирилган ёруғлик нури чиқарадиган бундай асбоблар лазерли асбоб деб аталади; улардан геодезик ишларда фойдаланилади. Ҳозирги вақтда қурилишларда лазерли визирлар (4-расм) ва бошқа асбоблар қўлланилади.

Одатда лазерли геодезик асбоблардан фойдаланганда, саноқлар фараз визирлаш чизигидан бошланади. Лазерли асбобнинг ёруғлик нури эса фазода кўзга кўринадиган таянч чизик ҳосил қиласи ва зарур ўлчамларни ана шу чизиқдан ўлчаш мумкин. Лазерли геодезик асбоблардан фойдаланганда ҳеч қандай обноска талаб қилинмайди, шунингдек, сим тортишга ва бошқа белгилаш воситаларига ҳам зарурат туғилмайди.



#### **4-расм. Лазерли ЛВ-М5 визири:**

- 1 – учо ёқ; 2 – колонна;
- 3 – лазер нури тарқаткич;
- 4 – ёруғлик нури; 5 – думалоқ ва терпас; 6 – таоминлаш блокига уланган кабел


Каркас колонналарини текшириш (5-расм, а) мақсадида трубаси вертикал текисликда буриладиган лазерли визирлардан фойдаланилади. Бунда лазерли асбоб бўйлама ўқ створи ичига (бино габаритларидан четда) ўрнатилади ва унинг нури лойиха ўқига йўналтирилади.

Бўйлама қатор колонналари «лазер нурига мослаб» ўрнатилади, айни пайтда конструксиянинг қирраларидаги юқориги ва пастки чизиқчалар лазер нури ҳосил қилган нукта устига тўғри келтирилади.

Бино бўйлама ўқининг створи ичига иккинчи лазерли визир ўрнатилади, колоннанинг қўшни қиррасидаги чизиқча лазер нури устига тўғри келтирилади. Колонналарни ўрнатиш жараёнида мазкур асбоб бинонинг навбатдаги кўндаланг ўқига кўчириб ўрнатилади.

Лазерли визирдан фойдаланганда осма қранларнинг тўсинларини текширмай ўрнатиш мумкин (3-расм, а га қаранг); бу ҳолда лазер нури зарур йўналишни кўрсатиб турадиган сим ўрнини босади.

Лазерли визир муайян баландлик белгиси устига штативда ўрнатилади. Осиладиган конструксиянинг учларига визирлаш маркалари бириктирилади. Тўсин звенолари нурнинг ёруғлик нуктаси ҳар иккала марканинг марказига тўғри келадиган қилиб тўғриланади; шундан кейин тўсиннинг звеноси стропила фермаларининг пастки белбоғига маҳкамлаб қўйилади.



5-расм. Конструкцияларни лазерли асбоблар билан текшириш: а – бир қаватли бинони текшириш; б – күп қаватли бинони текшириш; 1 – трубаси буриладиган лазерли визир (бинонинг кўндаланг ўқи створида ўрнатилган трубаси вертикал текислиқда айланади); г – ёруғлик нури; 3 – трубаси горизонтал текислиқда айланадиган лазерли визир; 4 – «ёруғ текислиқ» ҳосил қиласидаги нурлар; 5 – осма шип элементлари; 6 – осма кран тўсини; 7 – тўсинни лойқадаги вазиятда ўрнатишга ёрдам берадиган марка; 8 – осма кран тўсинининг ўқи устига ўрнатилган лазерли визир; 9 – бино бўйлами ўқининг створида жойлашган лазерли визир; 10 – лазер нурини тепага оғдирувчи призмалар.

Осма шип конструкцияларини ўрнатиш вақтида (5-расм, а га қаранг) кўп сонли белгилар ўрнини аниқлаш учун «лазер текислиги»дан фойдаланилади. Лазерли асбоб осма шип сатхидаги ўрнатилади. Лазернинг ёруғлик нури оптик механик қурилма ёрдамида гир айлантирилади. Нур айланганда доимо кўриниб турадиган ёруғ чизиқ ҳосил қиласи; монтажчилар осма шип конструкцияларини ўрнатаётганларида ана шу ёруғ чизиқдан фойдаланадилар.

Кўп қаватли бино бурчакларининг тикилиги (5-расм, б) лазерли нивелир ёрдамида текширилади. Битта горизонтал текислиқка лазерли асбоб билан бино периметри бўйлаб пентопризмалар, яъни нур қайтаргичлар ўрнатилади,

улар ёруғлик нурини тик юқорига йўналтиради. Бурчак панелларини ўрнатиш вақтида уларнинг тиклиги лазер нури бўйича текширилади.

Қурилиш-монтаж ишларида лазер геодезик асбобларни қўллаш конструксияларни текшириш-тўғрилаш жараёнини тезлатиши билан бирга, монтаж ишлари сифатини оширади.

Мактаб иншоотларнинг бўйлама тасвири геодезик ва фотограмметрик усулларда бажарилади. Геодезик усул қўлланганда пештоқ тасвири етарли аниқликда бажарилади. Бу ишнинг асосий камчилиги жойда бажариладиган ўлчашларнинг, ҳисоб-китоб ишларининг ҳажми ниҳоятда қўплигидадир. Фотограмметрик усул қўлланилганда эса фототеодолит билан иншоот орасидаги масофа асос узунлигидан 9-12 марта катта бўлишини таъминлаш керак. У ёки бу ҳолда тасвирлаш усулини танлаш, меъморлик обидасининг ўлчамларига, талабий аниқликка қараб муайян шароитга мувофиқ равища ва иқтисодий жиҳатдан мақбул усул қўлланилган ҳолда бажарилади.

Обидавий ўлчов чизмасида жуда кўп миқдордаги нуқталарнинг фазовий жойланишлари аниқланиши керак. Бунинг учун жойда геодезик асос барпо этилади. Уларни ўзгартириб девор сирти системасига ўтилади (6-расм).

Асос нуқталарига нисбатан бошқа нуқталарнинг ҳолати қўйидаги ифода билан аниқланади:

$$x = \frac{X_A \operatorname{ctg}\beta + X_B \operatorname{ctg}\gamma - Y_A + Y_B}{\operatorname{ctg}\gamma + \operatorname{ctg}\beta}, \quad (1)$$

$$y = \frac{Y_A \operatorname{ctg}\beta + Y_B \operatorname{ctg}\gamma + X_A - X_B}{\operatorname{ctg}\gamma + \operatorname{ctg}\beta}.$$

Тенгламада  $X_A, Y_A; X_B, Y_B$  – А ва Б нуқталарнинг координаталари,  $\gamma$  ва  $\beta$  эса уфқий бурчакларнинг қийматлари.

Яssi девор нуқталарининг тик текисликдаги оғиш миқдорини аниқлаш учун юқорида келтирилган тенгламаларидан фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлмайди. Бунинг сабиби қўйидагича. Биринчидан, бу тенгламалар ёрдамида хисоблаш ишлари анча кўп вақт талаб қиласи. Қолаверса, нуқталарнинг

координаталарини ҳисоблагандан кейин юза нүқталарининг ҳолатининг ўзгариш миқдорини бирданига топиб бўлмайди. Бунинг учун қўшимча ҳисоблаш ишларини бажариш керак.

Агарда координата боши этиб A нүқта ва абциssa қиймати этиб b асоснинг 6-расм йўналиш қабул қилинса, яъни  $X_A=Y_A=Y_B=0$  ва  $x=v$  бўлса, бу ҳолда юқорида келтирилган тенгламаларни қўйидагича ёзиш мумкин:

$$x = \frac{b \operatorname{ctg} \gamma}{\operatorname{ctg} \gamma + \operatorname{ctg} \beta}$$

(2)

$$y = \frac{b}{\operatorname{ctg} \gamma + \operatorname{ctg} \beta} \quad \text{ёки}$$

$$x = \frac{b \sin \beta \cos \gamma}{\sin(\gamma + \beta)}$$

(3)

$$y = \frac{b \sin \beta \sin \gamma}{\sin(\gamma + \beta)}$$

Нүқталарнинг нисбий баландликлари эса қўйидагича аниқланади:

$$h = \frac{b \sin \beta}{\sin(\gamma + \beta)} \operatorname{tg} v + i \quad (4)$$

бу ерда  $b$ -асос;  $v$ -тик бурчак;  $i$ -асбоб баландлиги.

Чўзиқ иншоотларни бўйлама тавсирлаш учун бажариладиган геодезик ўлчашларнинг аниқлиги

Бунинг учун  $x$  – функциянинг ўрта квадратик хатосини топиш мақсадида тенгламасини логарифмлаймиз:

$$\ln x = \ln b + \ln \sin \beta + \ln \cos \gamma - \ln \sin(\gamma + \beta) \quad (5)$$

Шу тенгламани дифференциялаймиз:

$$\frac{dx}{x} = \frac{db}{b} + \frac{\cos \beta}{\sin \beta} \cdot \frac{d\beta}{\rho} - \frac{\sin \gamma}{\cos \gamma} \cdot \frac{d\gamma}{\rho} - \frac{\cos(\gamma + \beta)}{\sin(\gamma + \beta)} \cdot \frac{d\gamma}{\rho} - \frac{\cos(\gamma + \beta)}{\sin(\gamma + \beta)} \cdot \frac{d\beta}{\rho} \quad (6)$$

Ўрта квадратик хато тенгламаси қўйидагича бўлади:

$$\left(\frac{m_x}{x}\right)^2 = \left(\frac{m_b}{b}\right)^2 + \{\operatorname{ctg}^2 \beta + \operatorname{ctg}^2(\gamma + \beta)\}^2 \left(\frac{m_\beta}{\rho}\right)^2 + [\operatorname{ctg}^2 \gamma + \operatorname{ctg}^2(\gamma + \beta)]^2 \left(\frac{m_\gamma}{\rho}\right)^2 \quad (7)$$

Шунингдек,  $y$  – функциянинг ҳам ўрта квадратик хатосини топамиз:

$$\left(\frac{m_y}{y}\right)^2 = \left(\frac{m_b}{b}\right)^2 + \{\operatorname{ctg}^2\gamma + \operatorname{ctg}^2(\gamma + \beta)\}^2 \left(\frac{m_\gamma}{\rho}\right)^2 + [\operatorname{ctg}^2\beta + \operatorname{ctg}^2(\gamma + \beta)]^2 \left(\frac{m_\beta}{\rho}\right)^2 \quad (8)$$

Нисбий баландлик ( $h$ ) нинг ўрта квадратик хатосини топиш учун тенгламани логарифмлаймиз:

$$\ln h = \ln b + \ln \sin \beta - \ln \operatorname{tg} v - \ln \sin(\gamma + \beta) \quad (9)$$

Ушбуни дифференциялаймиз:

$$\frac{dh}{h} = \frac{db}{b} + \operatorname{ctg} \frac{d\beta}{\beta} + \frac{1}{\cos^2 V} \cdot \frac{\cos V}{\sin V} - \operatorname{ctg}(\gamma + \beta) \frac{\gamma}{\rho} - \operatorname{ctg}(\gamma + \beta) \frac{\beta}{\rho}. \quad (10)$$

Ўрта квадратик хато тенгламаси:

$$\begin{aligned} \left(\frac{m_h}{h}\right)^2 &= \left(\frac{m_b}{b}\right)^2 + \operatorname{ctg}^2 \beta \left(\frac{m_\beta}{\rho}\right)^2 + \frac{4}{\sin^2 2V} \cdot \left(\frac{m_V}{\rho}\right)^2 + \operatorname{ctg}^2(\gamma + \beta) \left(\frac{m_\gamma}{\rho}\right)^2 + \\ &+ \operatorname{ctg}^2(\gamma + \beta) \left(\frac{m_\beta}{\rho}\right)^2. \end{aligned} \quad (11)$$

Ундан  $m_\gamma = m_\beta = m_0$  эканлиги ҳисобга олсак,

$$\left(\frac{m_h}{h}\right)^2 = \left(\frac{m_b}{b}\right)^2 + \left\{ [\operatorname{ctg}^2 \beta - 2 \operatorname{ctg}^2(\gamma + \beta)]^2 \left(\frac{m_o}{\rho}\right)^2 + \frac{4}{\sin 2V} \cdot \left(\frac{m_V}{\rho}\right)^2 \right\} \quad (12)$$

Абсцисса билан ордината ўртасидаги боғлиқлик

$$x = y \cdot \operatorname{ctg} \gamma \quad (13)$$

ифода билан ҳисобланади.


Нуқта ҳолатининг жамланган хатоси:

$$m_c = \sqrt{m_x^2 + m_y^2}. \quad (14)$$


Агар  $\gamma=\beta=45^\circ$  бўлса, ифодалардан топилган нуқта ҳолатининг хатоси

$$m_c = y \sqrt{2 \left[ \left(\frac{m_\beta}{b}\right)^2 + \left(\frac{m_\gamma}{\rho}\right)^2 + \left(\frac{m_\beta}{\rho}\right)^2 \right]} \quad (15)$$

бўлади.



6-расм. Нуқтанинг ҳолатини аниқлаш схемаси.



7-расм. Базис узунлиги ва горизонтал бурчак ўлчашнинг ўрта квадратик хатоси орасидаги боғлиқлик графиги.

Тасвирланган девор юзасининг чапдаги четида жойлашган нуқталар ҳолатининг аниқлашдаги хато  $\gamma=90^\circ$ ,  $\beta=45^\circ$  бўлганда

$$m_c = \sqrt{\left(\frac{m_b}{b}\right) + \left(\frac{m_\beta}{\rho}\right) + \left(\frac{m_\gamma}{\rho}\right)} \quad (16)$$

тенгламадан топилади.

Агарда  $m_\gamma = m_\beta = m_0$  бўлса,

$$m_c = Y \sqrt{\left(\frac{m_b}{b}\right) + 3 \left(\frac{m_0}{\rho}\right)} \quad (17)$$

Тасвирланаётган девор юзасининг ўнг четида жойлашган нуқталар холатини аниқлашдаги хато  $\gamma=45^0$ ,  $\beta=90^0$  бўлганда,

$$m_c = Y \sqrt{2 \left[ \left(\frac{m_\beta}{b}\right) + \left(\frac{m_\gamma}{\rho}\right) + 2 \left(\frac{m_\beta}{\rho}\right) \right]} \quad (18)$$

бўлади. Агар  $m_\gamma = m_\beta = m_0$  бўлса,

$$m_c = Y \sqrt{2 \left[ \left(\frac{m_b}{b}\right) + 3 \left(\frac{m_0}{\rho}\right) \right]} \quad (19)$$

тарзида ёзилади.

Агар асос хатолигини  $m_\beta$  маълум деб олсак,  $b=y$  бўлса, уфқий бурчак ўлчаш хатолиги

$$m_0 = \frac{\rho}{2,45b} \sqrt{m_c^2 + 2m_b^2} \quad (20)$$

бўлади.

Асос ва уфқий бурчакларни ўлчаш хатоси орасидаги боғлиқликни кўриб чиқамиз. Бунинг учун  $m_b = 1\text{мм}$ ,  $m_c = 5\text{мм}$  деб қабул қиласиз. Боғлиқлик чизмаси (7-расмда) а-чизиги девор ўртасида,  $b$ - чизиги деворнинг чап томонидан ва  $d$ -чизиги деворнинг ўнг томонидан жойлашган нуқталарнинг холатини белгиловчи хатоларнинг ўзгариш чизифидир. Расмдан кўриниб турибдики, асос узунлиги ошган сари уфқий бурчак ўлчаш хатоси ўзгармас сонга яқинлашмоқда.

Асос ўлчаш хатоси тенгламасига асосан

$$m_b = \sqrt{\left(\frac{m_c^2}{2} - 3,0b^2\right) \left(\frac{m_0}{\rho}\right)} \quad (21)$$

бундан:

$$m_b = \sqrt{\frac{m_c}{2} - \frac{3b^2 m^2}{\rho^2}} \quad (22)$$

Шундай қилиб, асос ўлчаш хатолиги деворнинг ўнг томонида жойлашган нуқталарнинг хатолигидан 2 марта кичик экан.

Энди  $m_c$  миқдорнинг  $b_1 < y < b_2$  бўлганда, қандай ўзгаришини кўрамиз.

Агар  $\gamma=90^\circ$ ,  $\beta=30^\circ$  бўлса

$$m_c = Y \sqrt{\left(\frac{m_b}{b}\right) + 3,7 \left(\frac{m_0}{\rho}\right)} \quad (23)$$

бўлади.

Агар асосида,  $y=30\text{м}$  бўлса,  $m_b=2\text{мм}$ ,  $b=50\text{м}$ ,  $m_0=10'$  деб қабул қилсак,  $m_c=3\text{мм}$  бўлади.

Тасвирланаётган деворнинг энг четида жойлашган нуқталарнинг хатоликлари  $\gamma=30^\circ$ ,  $\beta=90^\circ$ , бўлса,

$$m_c = Y \sqrt{4 \left(\frac{m_b}{b}\right) + 3,7 \left(\frac{m_0}{\rho}\right)} \quad (24)$$

бўлади.

Тенгламада  $b=50\text{м}$ ,  $m_0=10'$  бўлса,  $m_c=\pm 3,6\text{мм}$  бўлади. Хисоблаш шуни кўрсатадики, тасвирланаётган жойнинг четида жойлашган нуқталарнинг холатини аниқлаш хатоси унинг ўртасида жойлашган нуқталарнинг хатосидан каттадир.

Деворнинг энг четида жойлашган нуқталарнинг хатосини топиш тенгламасига асосан уфқий бурчак ўлчаш хатоси

$$m_0 = \frac{\rho}{1,92 b y} \sqrt{b^2 m_c^2 + Y y^2 m_b^2} \quad (25)$$

ифодадан топилади.

Охирги тенгламада  $m_c$  нинг қиймати қурилиш қўйимидан топилади, асосни ўлчаш хатоси  $m_b$  эса масофа ўлчашда қўлланаётган асбобнинг турига боғлиқ.

Кўпгина геодезик ишларни бажариш олдидан уларнинг аниқлигини ҳомаки хисоблаб кўрилади. Девор тасвирининг аниқлигини ҳомаки хисоблаб кўрилади. Девор тасвирининг аниқлигини ҳомаки хисоблаш тенгламасини

чиқариш учун асос нүқталарига нисбатан бошқа нүқталар холатини топиш ифодаларидан фойдаланамиз:

$$m_x^2 = \frac{m_{x_A}^2 \cdot ctg^2 \beta + m_{x_B}^2 \cdot ctg^2 \gamma + m_{y_A}^2 + m_{y_B}^2}{(ctg\gamma + ctg\beta)} \quad (26)$$

$$m_y^2 = \frac{m_{y_A}^2 \cdot ctg^2 \beta + m_{y_B}^2 \cdot ctg^2 \gamma + m_{x_A}^2 + m_{x_B}^2}{(ctg\gamma + ctg\beta)}$$

Сўнгра нүқта ҳолатининг жамланган хатоси ифодага асосан,  $m_{x_A} = m_{x_B} = m_{x_0}$  ва  $m_{y_A} = m_{y_B} = m_{y_0}$  эканлигини этиборга олиб, нүқтанинг хатосини бундай ифодаласа бўлади:

$$m_c^2 = \frac{1}{(ctg\gamma + ctg\beta)} [(m_{x_0} + m_{y_0})(ctg^2 \gamma + ctg^2 \beta) + 2(m_{x_0}^2 + m_{y_0}^2)]$$

ёки

$$m_c^2 = \frac{1}{(ctg\gamma + ctg\beta)} \sqrt{(m_{x_0} + m_{y_0})(csc^2 \gamma + csc^2 \beta)} \quad (27)$$

Агар  $m_{x_0} = m_{y_0} = m_c$  бўлса, унда

$$m_c = \frac{\sqrt{2}m_c}{ctg\gamma + ctg\beta} \sqrt{csc^2 \gamma + csc^2 \beta} \quad (28)$$

бўлади.

Нүқта аниқлигини хисоблашда  $x$  ва  $y$  ифодадан фойдаланганда

$$m_x^2 = \frac{m_b^2 \cdot ctg^2 \gamma}{(ctg\gamma + ctg\beta)},$$

$$m_y^2 = \frac{m_b^2}{(ctg\gamma + ctg\beta)}, \quad (29)$$

$$m_c = \frac{m_b \cdot cosec \gamma}{ctg\gamma + ctg\beta},$$

ифодани хосил қиласиз.

Асос ўлчаш аниқлиги эса

$$m_b = m_c (ctg\gamma + ctg\beta) \cdot \sin \gamma \quad (30)$$

бўлади.

Маълумки, кесиш бурчаги  $110^0$  бўлган teng томонли учбурчак ташкил қилган бурчак кесиштириш усулида энг аниқ натижа беради. Шуни эътиборга олсак,  $\gamma = \beta = 35^0$  бўлади. Унга асос билан иншоот орасидаги масофанинг

нисбати  $Y = 0,35$  бўлади. Кўпгина амалий масалаларни ечганда кесиштириш бурчаги  $\varphi = 90^\circ$  деб қабул қилинади. Демак,  $\gamma = \beta = 45^\circ$ . Бундан  $Y = 0,5$  бўлади.

Ушбу шартни хисобга олган холда  $\varphi = 90^\circ$  деб қабул қилиб кесиштириш бурчагини  $30^\circ$ дан  $150^\circ$ гача ўзгартириб, нуқта холати хатосининг тенгламасини топамиз.

Энди  $y:b$  нисбати  $0,10$  дан  $1,00$  гача ўзгартириб, хисоблаш натижалари бўйича боғлиқлик чизмасини (8-расм) чизамиз. Абцисса ўқи бўйича нуқталарнинг холатини аниқлаш хатосини, ордината ўқи бўйича эса уфқий бурчакларнинг хатосини қўямиз. Боғлиқлик чизмасидан кўриниб турибдикি, уфқий бурчак қийматининг камайиши билан нуқта холатининг хатоси ортиб боради.


Чизма бўйича нуқта холатининг хатоси орқали уфқий бурчак  $\gamma$ ,  $\beta$  ларнинг қиймати хам топса бўлади. Масалан, агар  $y:b=0,70$  бўлганда,  $m_c=1,5$   $m_b$  бўлади. Бу холда кесиштириш бурчаги  $\varphi = 124^\circ$  бўлади. Демак,  $\gamma=\beta = 28^\circ$ .

Тескари масалани хам ечиш мумкин. Масалан  $\gamma=\beta=30^\circ$  бўлса,  $\varphi=120^\circ$  бўлади. Агар  $y:b=0,55$  деб қабул қилсак, боғлиқлик чизмаси бўйича  $m_c=1,10$  бўлади ва х.к.  $\alpha$ ,  $\beta$ ,  $\varphi$  миқдорининг ўзгаришига қараб  $m_b$  га нисбатан ўрта квадратик хато  $m_c$  нинг ўзгариши

**5-жадвал**

Нүқта холатини аниқлаш усули			30	40	50	60	70	80	90	100	110	120	130	140	150
1	75	30	0,51												
2															
1	70	40		0,53											
2															
1	65	50			0,54										
2															
1	60	60				0,58									
2															
1	55	70					0,60								
2															
1	50	80						0,65							
2															
1	45	90							0,70						
2															
1	40	100								0,77					
2															
1	35	110									0,87				
2															
1	30	120										1,00			
2															
1	25	130											1,17		
2															
1	20	140												1,45	
2															
1	15	150													1,98
2															

Эслатма: 1-котангенсларнинг тўлиқ ифодаси; 2-хусусий вариантга оид.



8-расм. Базис ва горизонтал бурчак хатоси ҳисоблашнинг боғлиқлиги.

5-жадвалдан кўриниб турибдики, нуқтанинг уфқий холати котангенслар тенгламаси ва биз таклиф қилган ўша ифодадан келиб чиқадиган хусусий хол тенгламасидан аниқланган қийматлари тенгдир.

Хисобларни солиштириб кўриш натижасида хусусий хол тенгламаси бўйича нуқтанинг хатоси хисобланганда, у хисоб асосий тенглама билан бажариладиган хисобдан 2-3 баробар тез бажарилар экан.

Хулоса қилиб айтганда, ясси деворларнинг сиртини таъмир қилиш учун кўпроқ қўлланиладиган фотограмметрик усул билан бир қаторда геодезик усул хам қўлланилса, хато чеки йўл қўйиш мумкин бўлган хато чекидан ошиб кетмас экан. Таклиф этилган вариант оддий геодезик асбоблар билан бажарилганда, хисоблаш ишларига кўп вақт кетмайди, демак, кўп маблағ хам сарфланмайди.

Чўзиқ иншоотларни тасвирланганда, барпо этилган уфқий геодезик асосни ўз йўналиши бўйича давом эттириб, қўшимча асос баропо этилади ва у асосдан тасвирлаш давом этаверади. Таклиф этилган усул чизиқли иншоотларнинг барча турини обидавий ўлчашда, ижроявий тасвирлашда ишлатиш мумкин.


Девор сиртидаги нуқсонли жойларни уларнинг риёзий андозасини тузишусли билан топиш. Кўпгина холларда топографик сирт учун кичик квадратлар усули қўлланилади. Баъзи холларда эса сиртда фаразан олинган чизиқларнинг нишаблиги ва сиртнинг нотекисликларидан фойдаланилади.

Лойиха тузилаётганда, иншоот сиртидаги нуқталарнинг кўпроғини, иложи борича сақлаб қолишга харакат қилинади. Масалани ечиш учун куйидагича иш тутилади.


Мутахассисларнинг олдига қўйилган асосий масала девор сиртини таъмирлаш лойихасини тайёрлаш эди.

Бунинг учун девор сиртида жойлашган нақшларнинг 87 нуқтаси белгиланди. Улардан 56 таси ўлчамлари 1,40x2,75м бўлган 48 та тўғри бурчакли тўртбурчакниташкил этади (9-расм). Улардан 7 бўлим ва 8 қатор барпо этилди. Қолган 31 нуқта тўғри бурчакли тўртбурчакларнинг ичидаги


жойлашган. Нуқталарнинг уфқий ва тик текисликлардан оғиш графиги (10) ва (11) – расмларда кўрсатилган.



9 – расм. Девор сиртининг плани.



10-расм. Девор сирти нуқталарининг горизонтал текисликдан оғиши.



10-расм. Девор сирти нукталарининг вертикал текисликдан оғиши.

Хисоблаш ишларини осонлаштириш учун нуқталарнинг фазовий холатидан девор сирти учун белгиланган координаталар системасига ўтказилади.

Шундай қилиб, девор сиртида, координаталари  $X_{ij}$ ,  $Y_{ij}$ ,  $Z_{ij}$  бўлган  $A_{ij}$  нуқталар белгиланган. Ана шу нуқталарга яқин бўлган қия текисликка мос текислик ўткамиз. Унинг ифодаси

$$Z = A + B_x + C_y \quad (31)$$

бўлсин. Шу ифода девор сирти риёзий андазасининг тенгламаси бўлади.

Тенгламадаги  $A$ ,  $B$ ,  $C$  қийматларини топиш учун текислик сиртида олинган нуқталарнинг координаталарини, уларнинг кўпайтмаларини 6-жадвалда кўрсатгандек ёзамиш.

6-жадвал

	[X]	[y]	[Z]	[XX]	[XY]	[YY]	[X]	[Y]
56	539,50	230,61	57,30	742,78	2204,60	1370,47	540,92	250,68

Жадвалдаги маълумотлар бўйича  $[VV] = \min$  эканлигини хисобга олиб, қуйидаги тенгламаларни тузамиш:

$$\begin{aligned} nA + [X]B + [Y]C - [Z] &= 0 \\ [X]A + [XX]B + [XY]C + [XZ] &= 0 \quad (32) \\ [Y]A + [XY]B + [YY]C - [YZ] &= 0 \end{aligned}$$

ёки

$$\begin{aligned} 56A - 539,50B - 230,61C - 57,30 &= 0, \\ 539,50A - 7420,78B - 2204,60C - 540,92 &= 0, \quad (33) \\ 230,61A - 2204,60B - 1370,47C - 250,68 &= 0 \end{aligned}$$

Тенгламаларни ечиб,  $A=0,92584$ ,  $B= -0,00474$ ,  $C=0,03475$  эканлигини топамиш. Булардан эса ясси сирт текислигининг риёзий андазасининг ифодаловчи тенгламасини тузамиш:

$$Z=0,92584+0,00474X-0,03475Y \quad (34)$$

Ундан иш бажариладиган белгиларни, яъни хар бир нуқтанинг андаза текисликдан қанча оғишини топамиш:

$$V_{ij}=Z_{ij}-Z_{mij}. \quad (35)$$

Лойихаланган текисликнинг оғиш бурчагини

$$\cos\gamma = \frac{A_1 A_2 + B_1 B_2 + C_1 C_2}{\sqrt{A_1^2 + B_1^2 + C_1^2} \sqrt{A_2^2 + B_2^2 + C_2^2}} \quad (35)$$

Тенгламадан топамиз. Бу ерда А,В,С – андаза текислик тенгламасининг қийматлари. Лойихаланган текисликнинг оғиш бурчаги тенгламаси бўйича хисобланган оғиш бурчаги  $2^{\circ}10'$  – ни ташкил қилди.

Таъмирланадиган жойларнинг қанчага пасайтирилиши ёки кўтарилишини нуқтанинг андаза текисликда оғиши тенгламаси ёрдамида аниқланади.

7-жадвал

Ишчи отметка	Vij (мм)						Хаммаси
	0-20	20-50	50-100	100-150	150-200	200-250	
Мусбат ишораликлари	16	8	13	7	3	2	49
Манфий ишораликлари	8	12	11	5	1	1	38
Жами:	24	20	24	12	4	3	87

Меъморлик обидаларни таъмирлашда турар жой қуришда ва монтаж қилишда қўлланиладиган қурилиш қуйимларидан фойдаланилади.

Қўим бўйича 10 м баландликка жойлашган нуқталар тик текисликдан 10 мм гача оғган бўлиши мумкин. Ундан баланд нуқталарнинг оғиши эса уларнинг баландликлари (Н)га боғлик бўлиб,

$$\Delta_{курилиш} = \pm 0,001 \text{ Н}$$

ифода билан аниқланади ва  $\pm 30$  мм дан ошибб кетиши ман этилади.

Таъмирланаётган деворнинг устидаги нуқталар уфқий текисликда хам маълум чекидан ошибб кетмаслиги керак. Бу қўйим хар 10 м уфқий чизик учун  $\pm 20$  мм ни ташкил этади.

Таъмирлаш ишида обида сиртида бажариладиган иш хажмини озгина бўлсада камайтириш мақсадида қурилиш қўйими бир озга бўлсада ошириб олинади.

Шуни назарда тутиб қурилиш ва геодезик ўлчашларнинг хато чекини хисоблаймиз (8-жадвалга қаранг).

8-жадвал

Бўлим	Қаторнинг баландлиги, м	Қурилиш қўйими, мм	Геодезик ўлчамларнингхато чеки, мм
	$h_i$	$\Delta_k$	$m_{ru}=0,5\Delta_k$
$\alpha$	0	10	5,0
$b$	1,35	10	5,0
$c$	2,75	10	5,0
$d$	4,15	15	7,5
$e$	5,55	20	10,0
$f$	6,85	20	10,0
$g$	8,20	30	15,0

Таъмирлаш ишлари 8-жадвалида келтирилган қўйимлар асосида бажарилади. Шу боисдан хар бир нуқта учун унинг ишчи белгиларини хисобга олган холда таъмирланмайдиган нуқталар аниқланади (9-жадвалга қаранг).

Жадвалдан кўриниб турибдики, нуқсонли нуқталарни девор сиртига яқин бўлган шакллантирувчи тексиликни лойихалаштириш усули билан топиб, уларни ишчи белгилар билан солиштирганда, хисоб ишлари анча енгиллашар экан.

9-жадвал

Бўлим	Қурилиш қўйими, мм	Таъмирланмайдиган нуқталар	Таъмирланадиган нуқталар
$\alpha$	$\pm 10$	2	8
$b$	$\pm 10$	5	12
$c$	$\pm 10$	3	5
$d$	$\pm 15$	4	13
$e$	$\pm 20$	4	4
$f$	$\pm 20$	1	16
$g$	$\pm 30$	2	8
Жами		21	66

**Кўштепа тумани да жойлашган 10-Умумий урта таълим мактаби бино инишиооти ер**  
**майдонини**  
**ПЕШ ХИСОБИ**

T/p	Бажарилган ишлар номи	Асос "Тарифы на топографо-геодезический работы по кадастровым съемкам и формированию земельных участков ВНА-17-009-09	Муқаммаллик	Улчов бирлиги	Иш мандори	Тузатиш коэф.	Нархи, сўм	Систематик коэффицент	Ишнинг суммаси
1	Ер участкасида кадастр съемкасини бажариш учун тайёргарлик куриш	7,1	1	участ.			8561		
			2	участ.			9540		
			3	участ.			10885		
2	Бошлиғич пунктларни қидириб топиш ва урганиш	1,1	2	пункт			13186		
3	ЖПС ёрдамида таянч нуқталарини урнатиш	1,3	17	точка			18859		
4	Чегара бурулиш куқталарини аниқлаш	1,15	1	пункт			1028		
5	1:500 масштабда топографик тасвирга тушуриш	7,2		га.			25392		
			2	га.			45957	1	
				га.			74235		
6	Чегарадошлар билан келишини далолатномасини расмийлаштириш	7,3							
			2	ер майдонига	0,11	1,007	11442		1267
				хуж-к сонига	1	1,63	11442		18650
			3	ер майдонига			12960	1	
				хуж-к сонига			12960		
7	Топографик чизмани электрон холга келтириш	6,1			кв.дм		4340		
8	Топографик чизмадан нусха купайтириш	6,2			кв.дм		1693		
9	Техник хисобот тузиш	7,5	1	дона			15000	1	
10	Проект ва норматив хужжатлар экспертизаси	ИГГН (01.01.08 г.)							
11	<b>ЖАМИ:</b>								<b>19918</b>
12	Умумий бўлим П.14	Камерал ишлар учун	СК				1,15		22906
13	Умумий бўлим П.9	Чегараланган материаллардан фойдалангани учун	СК				1,1		25196
14	Умумий бўлим П. 5	Метереология хизмати	%				1,02		25700
15	<b>ЖАМИ:</b>								<b>25700</b>
16	Ер кадастр хужжатини тайёрлаш			Xар 5 га учун			22621		
17	<b>ЖАМИ:</b>								<b>25700</b>
18	<b>ПЕШ ХИСОБ БУЙИЧА ЖАМИ:</b>								<b>25700</b>

## ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ

Хорижий инвестицияларни жалб этиш тадбирларини амалга оширишда хукумат қуидаги тамойилларга асосланди:

- Ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёsat юритиш;
- Республика иқтисодиётiga бевосита капитал маблагни кенг жалб этишни таъминлайдиган хуқуқий ижтимоий-иктисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш;
- Республикага жаҳон даражасидаги технологияни етказиб берадиган ва иқтисодиётни замонавий таркибини вужудга келтиришга қўмаклашаётган хорижий инвесторларга нисбатан очиқ эшиклар сиёsatини юргизиш;
- маблағларни Республика мустақиллигини таъминлайдиган, импорт ўрнини қопловчи ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишда жамлаш.
- Шунингдек, Республика иқтисодиётiga хорижий инвестицияни жалб этишни фаоллаштириш учун қуидагиларни амалга ошириш зарур:
  - инвестиция лойиҳаларини малақали эксперtlар назоратидан ўтказиш ва мукаммал тайёрланишига эришиш;
  - қўшма корхоналар ва хорижий инвестиция иштирокидаги бошқа турдаги тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказишдаги тўсиқларни бутунлай олиб ташлаш.

Мамлакатимизда хорижий инвестицияларни миллий корхоналарга жалб этишда қуидаги устувор йўналишларни белгилаш мақсадга мувофиқдир:

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириш;
- минерал хом ашё ресурсларини, шу жумладан, нефть ва газни қазиб чиқариш, қайта ишлаш бўйича экологик ишлаб чиқарishни ташкил этиш;

- транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш;
- иқтисодиётнинг барча тармоқларида илм талаб ва жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- туризм соҳасини ривожлантириш, халқаро ва ички туризмнинг замонавий инфратузилмасини яратишга эришиш.

2017 йил 14 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда Республика ҳукуматининг 2017 йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастури энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилашга бағишлиган кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

2017-2021-йилларга мўлжалланган 12 та ижтимоий ва инфратузилма дастурини амалда бажариш. Щундан 8 та дастур тасдиқланган. Яқин вақт ичида транспорт ва савдо хизматини яхшилаш, автомобил йўлларини ва ичимлик сув таоминоти тизимини реконструксия қилиш бўйича ҳужжатлар тўпламини қайта ишлаб чиқиб, тақдим этиш керак.

Давлат маблағлари ва ресурслари талон-тарож қилинмоқда. Ўтган йили инспексиялар томонидан пудрат ишлари ҳажми 4 миллиард 700 миллион сўмга камайтирилган. 24 мингта лойиҳа экспертизадан ўтказилганида уларнинг нархи 1 триллион 500 миллиард сўмга камайтирилган.

Мажлис ишида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари, ҳукумат аъзолари, хўжалик бирлашмалари, жамоатчилик ташкилотлари раҳбарлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгashi раислари, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари қатнашдилар. Биринчи бор вилоят, шаҳар ва туманлар марказларида ташкил этилган студиялар билан видео конференция алоқаси орқали ҳукумат мажлисида маҳаллий ҳокимият, вазирлик, идоралар худудий бўлинмалари, корхоналарнинг раҳбар ходимлари ва тадбиркорлар иштирок этдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев

маъруза қилди.

Маърузада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов бошчилигида ишлаб чиқилган тараққиётнинг “ўзбек модели”ни ва мамлакатни ўрта муддатли истиқболда янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш Дастурини изчил амалга оширишни давом этириш 2016 йилда иқтисодий ўсишнинг барқарор ва юқори суръатларини сақлаб қолишни ва макроиктисодий мувозанатни, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифати ошишини таъминлаганлиги қайд этиб ўтилди.

Вазирлар Маҳкамаси мажлиси кун тартибига киритилган муҳим масалаларни муҳокама қилиш давомида 2016 йил якунлари бўйича ялпи ички маҳсулот 7,8 фоизга ўсганлиги қайд этиб ўтилди. Саноат маҳсулоти ҳажмлари – 6,6 фоизга, қурилиш-пудратишлари – 12,5 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,4 фоизга, хизматлар – 12,5 фоизга ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорида профицент билан ижро этилди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси таъминланди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади ва 5,7 фоизни ташкил этди.

Иқтисодиётга 16,6 миллиард АҚШ доллари миқдорида ёки 2015 йилга нисбатан 9,6 фоизга кўп инвестициялар йўналтирилди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 11,3 фоизга ўсди ва 3,7 миллиард доллардан ошиб кетди. Умумий қиймати 5,2 миллиард доллар бўлган 164 та йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш якунланди. Шу жумладан, “ЖМ Ўзбекистон” акциядорлик жамиятида “Т-250” моделдаги енгил автомобилларни ишлаб-чиқариш ўзлаштирилди, Жиззах вилоятида цемент заводи кенгайтирилди, Толимаржон иссиқлик энергия станциясида қуввати 900 МВт бўлган буғ-газ қурилмалари ҳамда Ангрен иссиқлик энергия станциясида қуввати 150 МВт бўлган юқори кулли кўмирни ёқувчи энергия блоки ишга туширилди.

Фарғона водийси вилоятларини мамлакатнинг бошқа худудлари билан боғлайдиган, Қамчик тоғли довони орқали ўтувчи 19 километрлик ноёб туннелга

эга бўлган электрлаштирилган янги Ангрен – Поп темирийўл линияси қурилди. Тошкент – Бухоро маршрути ва қарама-қарши йўналиш бўйича юқори тезланишли “Афросиёб” йўловчи ташувчи электропоездлар ҳаракати ташкил этилди.

Қишлоқ хўжалигини модернизация ва диверсификациялаш бўйича амалга оширилаётган дастурий чора-тадбирлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажмларини 6,6 фоизга, жумладан, мева-сабзавот – 11,2 фоизга, картошка – 9,7 фоизга, сабзавот маҳсулотлари етиштириш 10,4 фоизга ўсишини таъминлади.

Хусусий мулк ва тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб- қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши 2016 йилда 32 мингтага яқин ёки 2015 йилга нисбатан 18 фоизга кўп кичик бизнес субъектлари ташкил қилинишига туртки бўлди. Кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги ҳиссаси 56,9 фоизгача, саноатда эса 45 фоизгача ошди.

Ижобий таркибий ўзгартиришлар ва иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари туфайли аҳолининг реал даромадлари 11 фоизга ошди. Бюджет ташкилотлари ходимларининг ишҳақи 15 фоизга, пенсия ва ижтимоий нафақалар – 12,1 фоизга, аҳоли жонбошига реал даромадлар – 11 фоизга ўсди, 726 минг нафарга яқин аҳолининг, шу жумладан, 438,5 минг коллеж битиравчисининг бандлиги таъминланди.

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури доирасида она ва боланинг саломатлигини муҳофаза қилишни кучайтириш, соғлом ва ҳартомонлама ривожланган авлодни шакллантириш бўйича кенг чора-тадбирлар комплекси амалга оширилиб, уларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобидан 8 триллион сўм ва 212 миллион доллар маблағ йўналтирилди.

9 январь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва илм-фан, ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2016 йил ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов

томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағищланган мажлисида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш борасида комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда амалга оширилган ишлар натижалари ва келгусидаги вазифалар мухокама қилинди.

2016 йилда комплекс бўйичажами 6,28 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, аҳолига 4,49 триллион сўмлик хизматлар кўрсатилди. 2015 йилга нисбатан ўсиш суръати мос равишда 124,2 фоизва 129,7 фоизни ташкил этди.

Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 247,3 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилди ёки режага нисбатан 115,5 фоизга, экспорт прогнози кўрсаткичлари ҳам ортиғи билан бажарилишига эришилди.

Мажлисда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олишни кескин кенгайтириш, уларни мактаб таълимига тайёрлаш сифатини янада ошириш, замонавий таълим дастурларини жорий этиш асосида мактабларда таълим жараёнини такомиллаштириш ва ёшларда китобхонлик маданиятини шакллантириш ва ўстиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Комплекс йиғилишида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, таълим муассасаларини замонавий дарсликлар ва ўкув қўлланмалари билан таъминлаш, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш, уларнинг корхона ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш учун салоҳиятли иш берувчиларни жалб этган ҳолда ихтисослашган бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Мажлисда Президент Шавкат Мирзиёев маъruzаларида белгилаб берилган вазифаларни тизимли равишда бажариш, комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда 2017 йилнинг биринчи чорагида белгиланган режалар ижросини тўла таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгиланиб, тегишли

қарорлар қабул қилинди.

## ХАЁТИЙ-ФАОЛИЯТ ХАВФСИЗЛИГИ

Бино ва иншоотларни қурилиш, реконструкция ва модернизация қилиш давомида, қурилиш-монтаж ишларини олиб боришда ишчи ва хизматчиларни “Мехнатини муҳофоза қилиш” давлат аҳамиятига эга бўлган биринчи даражали ишлиги қурилиш меъёр ва қоидаларида курсатиб утилган.

Ишчиларни хавф- хатарсиз ишлашлари учун зарур шароитлар яратиб бериш ва уларнинг хавфсизлик техникаси, ишлаб чиқариш санитарияси, меъерлари, тартиб қоидалари, инструкциялар билан таништириб чиқиш қурилишни олиб боришга маъсул шахслар зиммасига юклатилади.

Мехнат шароитини ҳар томонлама такомиллаштириш ва енгиллаштиришни замонавий усулларини қуллаш, янги замонавий воситалардан фойдаланиш, ишлаб чиқаришда травматизм ва профессионал касалликларни олдини олиш, санитария- гигеник шароитларни яратиб бериш масалаларини ечимин курсатиш ҳар бир қурувчининг асосий вазифаси хисобланади.

Геодезия ва топографик ишларни бажаришда шикаст-ланиш сабабларини технологик жараён бажаришга ёки жихозларни ишла-тиш ва бошқаришга боғлиқ бўлган касб-касалликлари пайдо бўлишини сабабларини кўриб чиқишлари зарур бўлади.

Объектни реконструкция ва модернизация қилишдан олдин қурилиш майдонини лойиҳада кузда тутилган барча ишларни хавф- хатарсиз бажарилишини назорати куриб чиқилиши зарур. Тайёргарлик ишлари вақтида қурилиш майдони объектнинг реконструкциясига халақит берадиган барча бинолардаги конструкция ва деталларни бўзиб олиш, мухандислик коммуникация тармоқларидан узиб қувиш, қурилиш майдонининг дараҳт ва бошқалардан тозаланади. Қурилиш майдони инженерлик нуктаи назаридан хозирланади, майдонни текислашга доир дастлабки ишлар қилинади, вақтинча ёритиладиган электр чироқлар, пролекторлар ўрнатилади, зарурий пайтда кранлар учун

релслар ётқизилади, сув оқиб чиқиб кетадиган ариқлар қазилади, мұваққат иншоотлар коммуникациялар қурилади, объект режалаб чиқилади.

Геодезия ва топографик ишлаш жараёнида бажаришга ёки жихозларни ишла-тиш ва бошқаришга боғлиқ бўлган касб касалликларини пайдо бўлишини сабаларини кўриб чиқишлари лозим бўлади.

Объектда реконструкция ва модернизация ишларини бошлашдан олд-ин қурилиш майдонини лойиҳада кўрсатилгандек барча ишларни хавф- хатар-сиз бажарилишига тайёр эканлигига ишонч пайдо қилиш керак. Юююқорида курсатилган барча тайёргарлик ишлари охирига етказилиши лозим

Реконструкция қилинадиган бинода бажариладиган ишларни хавфсиз ва заарсиз меҳнат шароитини асослаб бериш.

-Геодезия ва топографик ишлар бажаришда шахсий химоя воситаларидан фойдаланиш керак (каска, шлем, қўлқоп, ва бошқалар )

-Геодезия ва топографик ишлар бажаришда (температура, намлик, хаво оқимини тезлиги, атмосфера босими) хисобга олган холда хавфсизлиги таъминланади.

-қурилиш ишларини бажаришда заарсиз, хавфсиз меҳнат шароитини асослашда объектдаги асбоб- ускуналарини (кран, кран-балка ва б) Эксплуатация қилишда хосил бўлиши мумкин бўлган зарали ва хавфли омилларни таҳлили асосида бажариш, ва улар асосида меҳнат жараёнида ходимлар хафсизлигини таъминловчи мухандислик ечимлар белгиланиб олинади.

- қурилиш майдонларини 500 ёки 1000 втли прожекторлар билан ёки 20 вт кувватли ошмайдиган чуғланиш лампалари билан ёритилишига алоҳида ахамият бериши керак.

- таклиф қилаётган заарсиз, хавфсиз меҳнат шароитни асослашда, объектда машина жихозларни эксплуатация қилишда хосил бўлиши мумкин бўлган зарарли ва хавфли омилларни таҳлил асосида бажарилади,

- курилиш ишларини бажаришда майдонларини танлашда, хамда электр машиналарни, курилиш машиналарини эксплуатация қилишда хавфсизликни таъминлаш кўриб чиқилади,
- электр жихозларини эксплуатация қилишда, ёнғин чиқиш ва портлаш хавфи бўлиши мумкинлигини хисобга олган ҳолда битирувчи ёнғинга қарши чора тадбирларга алоҳида аҳамият бериш лозим.

Курилиш ишларини бажаришда метеорологик ишларини ва шароитлар-ни (температура, намлиқ, хаво оқимини тезлиги, атмосфера босими) заарли моддаларга қараб, хаво муҳити (чанг, буғлар) таркиби ўзгариши мумкин бўлганинлигига катта ахмият бериши керак:

Ҳаво муҳитни анализ қилишда бу ўзгаришлар қоидаси характерга эга ва улар одам организмига таъсирини ўрганиб чиқиш керак. Шундан сўнг хавфсиз шароитни таъминлаш, яъни хаво муҳитини соғломлаштиришга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқиш;

Зарарли моддалар ажратиб чиқишина ёқотиш ёки минимумга келтириш, микроиқлим меъёрга келтириш;

Қуриши майдонларини тўғри танлаш,

Ўрнатилган тартибда тайёрланган журналга ҳар бир мутахасис ва ишчи техника хавфсизлиги ва меҳнатни ташкил қилиш билан танишганлиги туғрисида имзо чекилади.

Умумий қоидалар.

1. Иш бажарувчини техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофоза қилиш маъсулъяти ҳақида.
2. Геодезик дала ишларини бошлишдан олдин бригадир иш жойини кўриши, геодезик асбоб ва усқуналарни яхшилаб кўздан кечириши керак.
3. Геодезик асбобларнинг қутисидаги ручкалари ( қўл ушлагичлари) маҳкам ўрнатилган бўлиши керак, рейканинг маҳкамлагич винтлари соз ҳолда бўлиши керак.

4. Учи ўткир нишон тайёқларни, штативларни ва бошқа асбоб ускуналарни учларини олдинги томонга қаратиб олиб юришга ижозат берилади.
5. Йўллардан ўтишда рейкаларни қўлда буқланган ҳолда олиб юриш керак, елкада олиб ўтиш тақиқланади.
6. Йўлга яқин жойларда геодезик асбобларни қаровсиз қолдириш тақиқланади.
7. Штативга ўрнатилган геодезик асбобларни ерга маҳкам ўрнатиш зарур.
8. Рейка, нишон таёғи ва штативни дарахтга, деворга ва бошқа тафсилотларга суюб қўйиш тақиқланади.
9. Йўлда масофа ўлчашда хавфсизликни таъминлаш учун қизил байроқча қўйиш керак.
10. Ўлчаш асбобларини, рейка ва нишон тайёқларини қўлдан – қўлга бериш керак, ерга ташлаш тақиқланади.
11. Теодолит йўлидаги нуқталар, пикет нуқталари ва бошқа нуқталарда қозиқчаларни ер баравар қилиб беркитиш керак, асфальт йўлларга қозиқчаларни беркитиш тақиқланади.
12. Траспорт йўлларида ва шаҳар шароитида талабалар йўл хавфсизлигига риоя қилиши керак.
13. Рейка, нишон тайёқларини ва бошқа нарсаларни электр симларига, троллейбус симларига ва шунга ўхшашларга 2 метр кам масофага кўтариш тақиқланади.
14. Юк кўтариш механизмлари олдига асбобларни ўрнатиш, қурилаётган бино атрофида юриш тақиқланади.
15. Канализация ва сув йўлларида иш олиб борища уларнинг кудуқларида ёқилғи ёки заҳарли газлар бўлишини эътиборга олиш лозим. Ишчи ходимларни кудуқларга тушириш тақиқланади, агарда

зарур бўлса, шамоллатиш зарур. Иш тутагандан кейин қудуқлар оғзини беркитиш зарур.

16. Ёмғир ёғишидан олдин ишни тўхтатиш ва хавфсиз жойга ўтиш зарур.

17. Ёз пайтида иссиқ соатларда ишни тўхтатиш зарур, жамоа раҳбарининг кўрсатмасига биноан иш соатларини эрталаб ва кечки вақтларга ўтказилади.

18. Геодезик дала ишларини даврида ишчи ходимлардан шахсий гигиена талаб қилинади

19. Геодезик дала ишлари даврида мутахасисларнинг “Техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари” билан танишганлиги ҳақида маълумот илова қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг «1999—2005 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури тўғрисида» 1999 йил 20 октябрдаги 469-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда атроф табиий муҳит ҳолатини, табиий ресурслардан фойдаланишини кузатиш, атроф табиий муҳитни баҳолаш, унинг ифлосланиш даражасини прогноз қилиш ва салбий жараёнлар оқибатларини бартараф этиш, атроф табиий муҳитни муҳофaza қилиш соҳасида давлат назорати юритилишини ахборот билан таъминлаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Ўрта Осиёning марказида, денгиз ва океанлардан олисда ва суғориладиган ерлари жихатдан йирик давлат хисобланади. Шунинг учун бу заминда пахтачилик, мевачилик, боғдорчилик, узумчилик ва сабзаводчилик ривожланган лекин сув ресурсларининг лимитланганлиги республикада бу соҳаларнинг ривожланишига тўскинилик қиласди.

Унда аник қилиб - ер, ер ости ва усти бойликлари, сув, ўсимлик ва хайвонот дунёси ва бошқа табиий ресурслар умумхалқ бойлиги ва уни асрар

авайлаш, уни келажак авлод учун етказиш давлатимиз томонидан химояга олинган. Ўзбекистон Республикасида атроф мухитни муҳофаза қилиш барча вилоятларда ҳамда туман, шаҳарларда мақсадли дастур асосида амалга оширилади.

## ХУЛОСА

Битирув малакавий ишини бажариш мобайнида дастлаб, мавзу материалларини тўплаш, таҳлил ўтказиш ва долзарблигини асослашдан бошладим. Геодезик ўлчашларни олиб бориш методикаси. Янги барпо этилган гидроиншоотларни қуришда геодезик ишларни амалга оширишдаги фойдаланиладиган усуллар.

Дарё, канал ва йўл қуришда катта ёки кичик каналларни кесиб ўтиш ва бу каналлар ўзанида турли иншоотлар барпо килиш керак бўлади. Бунда каналнинг иншоот қуриладиган жойида қуйидаги ишлар бажарилади:

Курилиш жараёнида лойиҳа йўналишларни белгилашда, назорат ишларни олиб боришда ЛВ-5М лазер визири, Пул-78 лазер асбоблар, ҳамда хозирги замон нивелирлар-01ш 11, ЭШ 21 ракамли нивелирлардан фойдаланиш мумкин.

Каналларни таъмирлаш ва қайта қуриш лойиҳасини тўзиша бажариладиган геодезик ўлчаш ва ҳисоблашлар

Магистрал каналларни қуришдаги геодезик хизматда ер масалалари хажмларини ҳисоблаш айрим хусусиятларга эга бўлади.

Трапецияда кундаланг кесимли каналнинг ер ишлари хажми Винкларнинг маълум формуласи буйича ҳисобланади.

Каналларни таъмирлаш ва қайта қуришда замонавий JPS навигаторидан фойдаланиш

Бир частотали JPS-приёмниклар 3-синф геодезик зичлаштириш тармоги пунктлари орасидаги масофа 6 км ва 4-синф, 1-разряд, 2-разряд тармокдар

пунктлари орасидаги масофалар тегишлича 3, 4 ва 2 км бўлганда пунктларнинг хатоликлари 3—4 см дан, баландлиги эса 4—5 см дан ортмайди.

Йўлдошли усуллар давлат геодезик тармок, пунктлари координаталарини аниқашда иктисадий самарадор ҳисобланади, улар анъанавий методларга нисбатан уч каррали ижобий самара беради, съёмка тармокдари пунктлари координаталарни аниқдашда эса харажатлар тахминан тенг бўлади 08-84 координаталар системаси Хозирги кунда JPS системасидан фойдаланишда кузатишлар пунктлар холатини 1984й. Дунё геодезик системаси (№08-84) да аниқлаш кузда тутилган. Системанинг бошланиши Ер массаси марказида берилган. Фазовий тўғри бурчакли координаталар системаси Ъ уки шартли Ер кутби йўналишига параллел (халқдро шартли бошланиш), X уки қ08-84 шартли меридиан текисликлари билан аниқланади (нолинчи меридианга параллел. У уки система координаталарни и унга тўлдиради. қ08-84 ко- ординаталар системаси координата укдарининг бошланиши ва холати қ08-84 эллипсоиди геометрик маркази ва укдарига мос тушади. қ08-84 координаталар системасини 2000 йил даврига берилган РК-5 юлдузлар каталогида берилган координаталар системалари орасида багликлик урнатилган. Эллипсоид параметрлари берилган, бу параметрлар собик, иттифок, худудида йигилган ерда ўлчаш инфомацияси асосида урнатилган, МДХда нисбийлик системаси сифатида қабул қдгсинган Красовский эллипсоиди параметрлари ҳам келтирилган.

08-84 нинг 80 та геодезик координата системалари билан багликдиги урнатилган.

Йўлдошли геодезияда вактнинг учта хар хил системасидан фойдаланилади: динамик, атомли ва юлдузли вацш.

Динамик вацт — бу гравитацион майдонда жисмлар харакати бериладиган доимий шкала. Бу вакт (ноаниқ, кўринишда) JPS системаси йўлдошлари эфемерид (координата.)ларини ҳисоблашда фойдаланиладиган вакт. Хозирги кунда динамик вактнинг дастлабки асоси умумий нисбийлик назарияси ва инерциал референцли координаталар системаси бўлади.

Мантикий алокадорлик куйидагича амалга оширилади - бир жадвалдаги объектнинг атрибутив маълумоти белгиланса, бошка барча жадвалларда ҳам бу маълумот белгиланади. Бундай услугуб билан бир канча жадвалларни нафакат мантикан, балки амалда битта катта жадвалга келтириш, “бир-бирига бириктириб” боғлаш мумкин. Лекин бундай амаллар фойдадан купрок муаммоларни олиб келади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси” . 30 апрел 1998 йил
2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги Қонуни 28 август 1998 йил
3. Ўзбекистон Республикасининг “Геодезия ва картография тўғрисида”ги Қонуни. 25 апрел 1997 йил
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тўғрисидаги” 543 –сон қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 27 майда рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикасида ер участкаларига бўлган хуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома. (рўйхат рақами 736)
6. Ўзбекистон Республикаси “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси томонидан 2000 йил июнда ишлаб чиқилган “Аҳоли пунктларидағи ер участкалари кадастр съёмкаси тўғрисида йўриқнома”.
7. Ўзбекистон Республикаси “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси томонидан 2009 йил июнда ишлаб чиқилган “Ер участкаларини ташкил этиш, топографик-геодезик, кадастр съёмкалари ишларининг қийматлари тўғрисида йўриқнома”.
8. “Курилиш меъёrlари ва қоидалари”. 1.02.07-87, 11-104-97

9. Авчиев Ш.Қ. “Амалий геодезия”. Тошкент. Ворис-Нашриёт. 2000
10. Алиев Т.М., Стендаль П.Р. Автоматическая коррекция погрешностей цифровых измерительных приборов. – М.6 Энергия, 1975 г. – 216с.
11. Болдин В. А., Зубинский В. И. и др. Глобальная спутниковая радионавигационная система ГЛОНАСС – М.: ИПРЖР, 1998. – С. 6-11.
12. Генике А. А., Побединский Г. Г. Глобальная спутниковая система определения местоположения GPS и ее применение в геодезии. – М.: Картгеоцентр-Геодезиздат, 1999. С. 118-120.
13. Серапинас Б. Б. Введение в ГЛОНАСС и GPS измерения. – Ижевск, 1999. С. 77-84
14. Е.Б.Клюшин, А.О. Куприянов, В.В. Шлапак Спутниковые методы измерений в геодезии (часть 1) Москва
15. Кузьмин Б.С. и другие. “Справочник: Топографо-геодезические термины”. Москва. Недра. 1989. 261-б
16. Кўзибоев Т. “Геодезия”. Тошкент, Ўқитувчи, 1975. 391-б
17. Использование за рубежом глобальных спутниковых систем для создания и развития координатной основы. – М.: ЦНИИГАиК, 1998.
18. Изотов А. А., Зубинский В. И. и др. Основы спутниковой геодезии – М.: Недра, 1974. С. 5-13.
19. Норхўжаев Қ.Н.“Инженерлик геодезияси”. Тошкент. Ўқитувчи. 1984.
20. Норхўжаев Қ.Н. “Инженерлик геодезиясидан практикум”. Тошкент, Ўқитувчи. 1976. 280-б
21. Руководство пользователя. Система PHOTOMOD 3,5,3,11. Москва. Ракурс, 2002.
22. Руководство по всемирной геодезической системе – 1984 (WGS-84). Doc 9674-AN/946. – ИКАО, 1997.  
<http://www.ferghana.uz>  
<http://sgp.uz/gef-thematics/degradation>  
<http://google.uz>

<http://kadastr.uz>

<http://googlemap.uz>

<http://Lex.uz>

<http://Leica.com>